**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА,АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳимоягарухсат**

**Кафедра мудири**

**________________**

**20___й. «____» ___________**

# Иқтисодий фанларини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари мавзусида

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Битирувчи______________ Исмоилов Ж.Х.**

имзо ф.и.о.

**Раҳбар ______________ Тешабоев Т.З.**

имзо ф.и.о.

**Тақризчи ______________**

**имзо ф.и.о.**

ҲФХбўйича

маслаҳатчи______________ Қодиров Ф.М

имзо ф.и.о.

Тошкент– 2013

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА,АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
# ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Иқтисодва Бошқарувфакультети Иқтисод кафедраси
Йўналиш5340100–Иқтисод

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Кафедра
мудири__________________2013 й
«____ » ____________________

*Талаба:________Исмоилов Жаҳонгир Хамза ўғлининг__________*
*(фамилияси, исми, отасинингисми)*

Иқтисодий фанларини ўқитиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш хусусиятларимавзусидагибитирувмалакавий ишига

**Т О П Ш И Р И Қ**

**1.** Мавзууниверситетнинг2012 йил «07» декабр 1304-06 – сонлибуйруқбилантасдиқланган
**2.** Ишниҳимоягатопширишмуддати______________2013 йил
**3.** Ишгаоиддастлабкимаълумотлар:
Ўзбекистон Республикаси Президенти буйруқ ва фармойишлари, итисодий ахборотларини таҳлил қилиш усуллари, илмий адабиётлар ва услубий кўрсатмалар, интернет сайтлари
**4.** Ҳисоблаш–тушунтиришёзмалармазмуни: (ишлабчиқиладиганмасалаларрўйхати): Кириш, Таълим тизимида ахборот-коммуникациятехнологияларниннг роли,Талим тизимида актнинг ҳолати ва мўтни самарадорлигини баҳолаш, Таълим муассасаларида акт ва масофавий таълимни такомиллаштириш йўллари, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, Хулоса
**5.** График материалларрўйҳати: Презентация ва слайдлар, чизма, жадвал, диаграммалар
**6.** Топшириқберилган сана12.01.2013йил

Раҳбар__________ Топшириқолдим______________
имзо имзо

**7.** Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

| Бўлим номи | Маслаҳатчи | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|
| | | Топширик берилди | Топшириқолинди |
| 1. Боб. | **Тешабоев Т.З.** | 18.01.2013 | 18.01.2013 |
| 2. Боб. | **Тешабоев Т.З.** | 19.03.2013 | 19.03.2013 |
| 3. Боб. | **Тешабоев Т.З.** | 30.04.2013 | 30.04.2013 |
| 4. Боб | Қодиров Ф.М | 18.05.2013 | 25.05.2013 |

**8.**Ишни бажариш графиги.

| № | Иш қисмларнингноми | Бажаришмуддати | Раҳбар имзоси |
|---|---|---|---|
| 1. | Таълим тизимида ахборот-коммуникациятехнологияларниннг роли | 08.02.2013 | |
| 2. | Талим тизимида актнинг ҳолати ва мўтни самарадорлигини баҳолаш | 19.04.2013 | |
| 3. | Таълим муассасаларида акт ва масофавий таълимни такомиллаштириш йўллари | 15.05.2013 | |
| 4. | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | 25.05.2013 | |

Битирувчи___________________ 2013йил «_______» июнь
имзо

Раҳбар______________________ 2013йил «_______» июнь
имзо

Ушбу битирув малакавий иш таълим тизимида АКТдан фойдаланиш хусусиятларига бағишланган бўлиб, АКТнинг таълим тизимидаги ўрни, масофавий таълимнинг назарий асослари, турлари ва элементлари кўриби чиқилган. АКТни таълим тизимига татбиқ қилиниши таҳлили ва масофавий тўқитиш тизимининг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган. Олинган натижалар асосида АКТни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган

Данная выпускная квалификационная работа посвящена особенностям использования ИКТ в процессе обучения. Рассмотрена роль ИКТ в образовании, теория дистанционного обучения, его виды и элементы. Проведен анализ внедрения ИКТ в образовательную сферу и основные направления его развития, а так же произведен расчет экономической эффективности дистанционного образования. Так же даны рекомендации по усовершенствованию АКТ в сфере образования

The given final qualifying work is devoted features of using the Information technologies (IT) in the process of education. The Role of IT in education, the theory of remote training, its kinds and elements are considered. The analysis of using IT in educational sphere and the basic directions of its development is carried out and also calculation of economic efficiency of remote education is done.

# МУНДАРИЖА

**КИРИШ…………………………………………………………………...5**

**1.ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ**

1.1. Замонавий технологиялардан иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш.................................................................8

1.2. Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари таърифи................13

1.3. Иқтисодий фанларни ўқитишда АКТнинг моҳияти.....................18

**2. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

2.1. Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш...........................................................................................24

2.2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида АКТнинг замонавий ҳолати ва иқтисодий фанларда қўллашнинг таҳлили.........................................................................................33

**3. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

3.1. Таълим тизимини ахборотлаштиришнинг долзарб муаммолар............46

3.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда АКТни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар..............................................................49

**4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ**

4.1. Гиподинамия ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири....................52

4.2. Фавқулодда ҳолатларда аҳолини ҳимоялаш принциплари ва усуллари..........................................................................................61

**ХУЛОСА.............................................................................................65**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....................................67**

# КИРИШ

Бугунги кунда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари кенг кўламда ривожланмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари давлатнинг иқтисодий тизимини юритишнинг асосий кучи бўлиб: телекоммуникация, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш каби соҳаларда янги иш жойларни ташкил қилади, ҳамда янги ахборот-коммуникация атрофида пайдо бўлаётган молиявий, таълим ва ўқитиш каби хизматлар соҳасига янги дастурий таъминотни яратмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, таълим, ўқитиш ва кадрлар масалаларини ҳал этиш ва доимий эътибор қаратиш муҳим йўналишлардан бир ҳисобланади.

Таълим жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш талабалар ва ўқитувчиларни интеллектуал ривожлантириш ҳамда жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришнинг муҳим

вазифасидир. Шу боис таълим соҳасига ахборот-коммуникация технологияларнинг кириб келиши янги ўзгаришлардан фойдаланишни тақазо этади.

Президентимиз И.А. Каримовнинг 21 март 2012 йилда "Замонавий ахборот-коммуникация технологичларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига биноан, ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлатимиз сиёсати мамлакатимизни бевосита жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига йўналтирилган жараённи янада ривожлантиришнинг асосий тамойиллари белгиланган[1].

Шубҳасиз, таълим жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш зарурдир. Замонавий жамият ахборот узатиш ҳажми ва тезлиги жиҳатидан чегараланмаган бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши билан ҳарактерланади. Мультимедия ва

---

[1] Президентнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори

Интернет технологияларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши ахборот технологияларни мулоқот, тарбия, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш воситасида ишлатиш имконини беради. Ахборот технологияларининг шахсият ривожи, касбий ўзбелгилаш ва "оёққа туриш"даги аҳамияти яққол сезилиб турибди. Олий таълим муассасалардаги таълим жараёнида талабалар ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида матн билан ишлашни, таъсвирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан ва маълумот ресурслар базасида фойдаланишни, ахборот йиғишнинг янги усулларини, улардан фойдаланишни ўрганишади, уларнинг дунёқараши кенгаяди. Дарсларда ахборот-коммуникация технологияларнинг ишлатилиши ўқишга бўлган мотивациясини, талабаларнинг қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Компьютер ахборот-коммуникация технологиялари билан биргаликда

таълим соҳасида, талабаларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологияларни таълим соҳасига тадбиққилиш, уни янада ривожлантириш энг долзарб масалалардан биридир.

Битирув малакавий ишнинг мақсади мамлакатимиз таълим муассасаларида иқтисодий фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларнинг фойдаланиш хусусиятлари ўрганиш, таълим жараёни ахборот технологиялар билан таъминланганлик ҳолатини таҳлил қилиш ва янада ривожлантириш истиқболларига оид таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари.Битирув малакавий ишининг олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилади:

- Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий технлогиялар билан танишиб чиқиш;
- Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларнинг таснифини ўрганиш;
- Таълим муассасалари АКТ билан таъминланганлик ҳолатини таҳлил қилиш;
- Ахборот-коммуникация технологияларнинг иқтисодий фанларда қўланилишини ўрганиш,
- Давлатимизда таълим тизимини ахборотлаштиришни янада такомиллаштириш мақсадида тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб, таълим муссасасида иқтисодий фанларда АКТ қўлланилиши ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркиби: кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# 1.ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

## 1.1. Замонавий технологиялардан иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш

Таълимда замонавий педагогик ва ахборот технология ғоялари ўзига хосўринни эгаллаб бормоқда. Шу билан, таълим самарадорлигини оширишдазамонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишзарурияти пайдо бўлмоқда.Ҳар бир таълим муассасаларда фанларни ўқитиш жараёнида замонавий технологияларнидан фойдаланилмоқда, шу жумладан иқтисодий фанларни ўқитишда ҳам кўплаб янги педагогик технологиялар қўланилмоқда. Буларга: кластер, чархпалак, бумеранг, 3 х 4, резюме, тушунчалар таҳлили, зинама – зина, муаммо.

**1. «Кластер» методи.** Бу усулнинг маъноси – фикрларнинг тармоқланиши. «Кластер» технологияси – педагогик стратегия бўлиб, у талабаларга ҳар бир мавзуни чуқур ўрганишларида ёрдам беради. Талабаларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кет узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

**2. «Чархпалак» технологияси.** Ушбу технология талабаларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақти чида ўқитувчи томонидан барча талабаларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

**3. «Бумеранг» технологияси.** Ушбу технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида саклаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

**4. «3 х 4» технологияси.** Ушбу машғулот талабаларни аниқ бир муаммониёки бирор мавзуни якка ҳолда ёки кичик жамоа бўлиб фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо ёки мавзу юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатади. Бу технология талабалар билан аввал якка ҳолда, сўнгра уларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади.

**5. «Резюме» технологияси.** Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилгаи. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

**6. «Тушунчалар таҳлили» таълим технологияси.** Ушбу таълим технологияси ўтилган (чорак, семестр ёки йилида тугаган) предмети ёки бўлим барча мавзуларини талабалар томонидан ёдга олиш, бирон-бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолай олишга йуналтирилган.

**7. «Зинама - зина» технологияси.** Ушбу машғулот талабаларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб

фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология талабалар билан якка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

**8. «Муаммо» технологияси.** Бунда талабаларга предметнинг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишни ўргатиш, уларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммони ечишда мос таълим технологияларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги ҳатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатиш.

**9. «Лабиринт» технологияси:** талабаларнинг ҳаётий фаолиятларида учрайдиган турли ҳолат ва вазиятлардан ўз обрўларини сақлаган ҳолда чиқиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва тезлик билан керакли ечимини топиш кўникмаларини шакллантириш, шу борадаги малакаларини оширишга кўмаклашиш, уларнинг фикрлаш қобилияти ва нутқий фаолиятини ўстириш ҳамда мулоқот қилиш маданиятини шакллантириш.

**10. «Блиц-сўров» усули.** Ушбу усул талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмет асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказа олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган.

**11. «Блиц-ўйин» технологияси.** Ушбу технология ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишини ўргатишга қаратилган. Бу технология давомида талабалар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар.

**12. «Зиг-заг» технологияси.** Ўзаро ўқитиш ягона тамойилга асослангандир: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганилаётган мавзунинг маълум соҳаси бўйича эксперт бўлади ва бошқаларга ўргатади.

**13. Инсерт технологияси.**Инсерт – бу ўқув жараёнида ўз англашини фаол кузатиш учун талабаларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қолмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиётганини тушунмай, ўқиш жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ҳолларнинг мисолидир.

**14. «Скарабей» технологияси**

«Скарабей» интерфаол технология бўлиб, у ўқувчи-талабаларда фикрий боғлиқликни кучайтиради, мантиқ ва хотиранинг ривожланишига имконият яратади. Талабаларда муаммони ҳал қилиш, ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради ҳамда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

Инновацион технологиялар бўйича мутахассислар томонидан юқоридаги технологиялар тавсия қилинган. Бу фаолиятнинг турли йўналишлар бўйича бажариладиган ишлари қуйидагиларни ташкил этади:

- олий таълим талабаларини янги педагогик технологияларга ўқитиш;
- таълим муассасаларининг фан ўқитувчиларини ўқитиш;
- таълим муассасаларининг айрим тоифадаги раҳбар кадрларини ўқитиш;
- академик гуруҳлар мураббийларини тарбиявий технологияларга ўқитиш.

Шу йўналишлар бўйича замонавий педагогик технологиялар ишлаб чиқиш, технологик хариталар тузиш, тарқатма материаллар тайёрлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш лозим. Бундай фаолиятда кўчма семинарлар ҳам амалга оширилади. Кўчма семинарларни тайёрлаш ва ўтказишда ҳар бир ўқув юртининг ўқув-тарбия жараёни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дастурлар яратилади.

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари таълим соҳасида иқтисодий фанларни ўқитиш, иқтисодий таълим-тарбия, ўзлаштирилган иқтисодий билимлар даражасини замонавий педагогик технологияларга суянган ҳолда ташкил қилиш, баҳолаш, иқтисодий фанлар бўйича янги ўқув дастурларини яратиш муҳим муаммолардан биридир. Шу ўринда айтиш керакки, иқтисодий тарбия тизимини ишлаб чиқишда узлуксизлик, яхлитлик ва боғлиқликни таъминловчи «босқичли таълим» концепцияси тавсия этилди. Концепция негизида мактабгача таълим соҳасида ўзлаштирилган элементар иқтисодий таълим-тарбиядан то иқтисодий маданиятлилик даражасигача бўлган жараён қамраб олинади. Бу жараён тарбияланувчиларга иқтисодий тайёргарлик, иқтисодий тафаккур, фикрга эгалик, иқтисодий онг ва иқтисодий маданиятлилик каби сифатларни етказишни талаб қилади.

Маълумки, билимларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилгунига қадар ўқув жараёни фақат ўқитувчининг маҳоратига асосланган бўлиб, билим олишни ўқувчи-талабанинг фаоллиги, ижодий меҳнати асосида ташкил этишга имкон бермас эди, берилаётган билимлар миқёси ошиб бораётган бўлса ҳам, талабанинг бу билимларни ўзлаштириш даражаси талаб доирасида эмас эди. Бу ҳол таълим жараёнига талабаларни бир хил узлуксиз билим олишга ундайдиган, улар олган билимларни жаҳон талаблари даражасига етказиш имконини берадиган замонавий педагогик технологиялар ва таълим услубларини жорий қилишни тақозо этди. Шу мақсадда олий таълимдан сўнг, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг амалиётига ўтилди.

Рейтинг тизимида иқтисодий билимларнинг кўп босқичли назоратини амалга ошириш ва баҳолашда асосий услублардан бири тўғри тузилган тестлардан фойдаланишдир. Тест синовларини ишлаб чиқишда услубиёт дидактик тестология назариясини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёшларимизни иқтисодий тарбияланган, таълим олган, иқтисодий саводхонлик ва тайёргарлиги давр талаби даражасида бўлган, иқтисодий тафаккури ва онги юксак, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш муаммосига ҳар томонлама амалий ва назарий ёрдам бериш ҳар бир зиёли фуқаронинг бурчидир.

## 1.2. Таълимда ахборот-коммуникаци технологиялари таърифи

Илмий-техник ривожланиш халқ хўжалигини қайта қуроллантиришини ва турли соҳаларда қўлланилувчи техника ва технологияларнинг тез алмашиб туришини тақозо қилмоқда. Бугунги кун учун фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаган янги восита ва технологияларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши оддий ҳолга айланиб қолди. Илмий – техник ривожланиш жараёнида замонавий ишлаб чиқариш асосларининг ўзгариши, янги қурилма ва

технологияларнинг қўлланилиши ақлий меҳнат ҳиссасининг, ишчининг меҳнатдаги ижодий қобилиятининг, унинг касбий мобиллигининг ошишига ва табиийки, талабалар олий юртларда олиши керак бўлган билим ва қобилиятлар тизимининг ўзгаришига олиб келмоқда. Касбий тиълимни компьютерда қўллаб-қувватлаш соҳасининг тизимли ўрганилиши XX асрнинг охирларида бошланган.

Бу давр ичида АҚШ, Франция, Япония, Россия ва бошқа қатор давлатларнинг ўқув юртларида турли хилдаги ЭҲМлар учун таълимга мўлжалланган кўплаб компьютер тизимлари ишлаб чиқилган. Лекин бундай тизимларнинг қўлланилиш соҳалари анча кенгдир. Бу – катта саноат ташкилотлари, ҳарбий ва жамоатчилик соҳаларида кадрларни мустақил тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини олиб борувчи ташкилотлардир. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда янги мураккаб қурилма ва технологияларни ўрганиш ва амалга киритиш

жараёнларини тезлаштириш учун уларга компьютерли ўрганиш тизимларини киритиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Чет элда ўргатишга мўлжалланган "юмшоқ" дастурий воситани ишлаб чиқиш юқори малакали ишчилар (рухшуносларни, фан ўқитувчиларини, компьютер дизайнерларини, дастурчиларини) меҳнатини талаб қилгани учун жуда " қиммат" соҳа ҳисобланади. Лекин шунга қарамай кўпгина чет эл фирмалар таълим масканларида янги компьютерли ўқув тизимлари яратилишини молиялаштирди ва бу соҳада ўз изланишларини олиб боришмоқда. Методологик томондан касбий тайёргарликни қўллаб-қувватлашда компьютер воситаларининг ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши бошидан бошлаб бир-бири билан боғлиқ бўлмаган турли соҳаларда ривожлана бошланган.

Биринчи йўналиш – дастурий ўргатиш ғояларига асосланади. Бунда турли фанлар бўйича автоматлаштирилган ўргатиш тизимлари (АЎТ) ишлаб чиқилади

ва қўлланилади. АЎТнинг асоси бўлиб муаллиф-ўқитувчига янги ўқув материалларини маълумотлар базасига киритиш, махсус муаллифлик тиллари ёки бошқа тиллар ёрдамида дастурлаш имконини берувчи муаллифлик тизимлари хизмат қилади. АЎТга мисол сифатида чет элдаги ПЛАТО тизимини, ёки Россиядаги АОСБ оиласини келтирсак бўлади. XX-асрнинг 90 – йилларидан бошлаб Россия ва МДХ мамлакатларида компьютер курсларини яратувчи инструментал мухитлар (чет элнинг IBM PC ёки Россиянинг ва бошқа дастурлари) пайдо бўла бошлади.

Иккинчи йўналиш – умумтаълим ва касбий тайёргарликни компьютерда қўллаш инсон фаолиятининг турли соҳаларини компьютерлаштиришнинг "юмшоқ" маҳсулотининг иккинчи даражали иловаси ҳисобланади. Булар қийин ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, математик моделлар асосида жараёнлар ёки объектларнинг хусусиятларини ўрганувчи алоҳида

дастурлар ёки дастур пакетларидир. Касбий тайёргарликда бундай дастурий тизимларни қўллаш бизда ҳам, чет элда ҳам АЎТларга нисбатан кенгроқ ишлатилади, лекин ягона дидактик шаклнинг йўқлиги, мазмуннинг умумий эмаслиги, уларнинг илмий адабиётларда яхши ёритилмаганлигига олиб келади. Соҳавий дастурларни ўқитишга мослаштириш бўйича ишлар олиб борилган кўплаб дастурлар ичидан ҳамда дидактик ва техник умумлаштириш уринишларининг тизимлилиги билан ажралиб туради. 80-йиллар бошидан бошлаб таълимни компьютерлаштиришнинг янги йўналиши – сунъий интелект соҳасида ишлашга асосланган интелектуал ўргатувчи тизимлар (ИЎТ) тез ривожлана бошланди. Бошқарувли ўқиш жараёни модели ИЎТларнинг муҳим қисми ҳисобланади, улар асосида ҳар бир талаба учун махсус ўқитиш стратегияси ишлаб чиқилиши мумкин. ИЎТлардаги маълумотлар базалари

формаллаштирилган билимлардан ташқари ўрганилаётган соҳа учун эксперт билимларига эга бўлиши мумкин. ИЎТни яратиш йўналишидаги ишларнинг келажаги порлоқ кўрингани билан, бугунда улар лабараториядаги изланишлар даражасидақолишмоқда.

90-йиллардаги "Шахсий революция" таълим соҳасига нафақат техник, балки дидактик имкониятларни ҳам – ШЭХМлар ишлатиш имкониятлари, диалогик мулоқотни ташкиллаштириш қулайлиги ва албатта таъсвир билан ишлаш. Таълим компьютер тизимларида таъсвирий тақдимотларнинг ишлатилиши нафақат талабага маълумот узатиш тезлигини оширади ва тушуниш даражасини оширади, балки талабада ҳарқандай соҳа вакили учун муҳим бўлган интуиция, касбий "сезиш", таъсвирли ўйлаш каби қобилиятларни ҳам ривожлантиради. Компьютер технологиялари бозорларида касбий тайёргарликка янада кўпроқ имкониятлар бера оладиган янгиликлар пайдо бўлмоқда. Булар катта

ҳажмдаги маълумотни ўзида сақлай оладиган CD-ROM компакт дискларидаги ташқи оптик эслаб қолиш қурилмалари, гипперматнли дастурий воситалар, мульти ва гиппермедия воситалари, "виртуал борлиқ" тизимлари ва бошқалар.

Мультмедияли техник воситаларга эга бўлган компьютерлар видео ва аудио ахборотларнинг дидактик имкониятларидан фойдалана олади. Гиперматн тизимлари ёрдамида матннинг ўзида мурожаатларни ташкил қилса бўлади, бу эса калит сўзлар ёрдамида керакли маълумотларни излашни осонлаштиради. Гипермедия тизимлари фақат матнни эмас, балки таъсвирни, рақамлаштирилган товушни, расмларни, мультфильм ва видеофильмларни ўзаро боғлаш имконини беради. Бундай тизимлардан фойдаланиш электрон қўлланмалари, справочникларни, китобларни, энциклопедияларни яратиш ва компакт дисклар ёрдамида тарқатиш имконини беради. Ахборот телекоммуникацион тармоқларнинг ривожи эса

сайёрамизнинг турли нуқталарида сақланаётган катта ҳажмдаги маълумотга эришиш имконини яратади ва шу билан бирга масофавий таълим тизимлари ривожига турткиберади.

Компьютер имкониятларини оширувчи янги техник ва дастурий воситаларнинг пайдо бўлиши янги "Ахборот технологиялари" атамасинингпайдо бўлишига олиб келда. Ушбу атама остида электрон воситалар ёрдамида ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, тақдим этиш, ва ишлатиш жараёнлари тушунилади. Таълим тизими учун ахборотлаштириш жараёни – етук баркамол шахсларни жадал ривожланиб бораётган, ахборотлашган жамият шароитларига ва келажак ҳаётга тайёрлаш, таъли мазмуни,ўқитиш методлари ҳамда таълим шаклларини ўзгартириш,ўсиб келаётган авлодда ўз ҳаётини муваффақиятли ва мустақил қуриш кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Таълим тизимини ахборотлаштириш – бу ҳаётдан янги усулларни излаш жараёнидир. Таълимни ахборотлаштириш, яъниталабаларга маълумотлар базаларидаги, билимлар базаларидаги, электон справочниклар, архивлар ва энциклопедиялардаги маълумотлардан эркин фойдаланиш имкониятларини тақдим этишдир.

Компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш, таълимда янги сифат кўрсаткичига эришиш учун таълим тизимини ахборотлаштириши лозим. Бунинг учун таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва методик қўллаб-қувватлаш зарур. Таълим тизимини ахборотлаштиришда ўқитувчидан дарсни янги инновацион ва педагогик технологиялар асосида ўтиш талаб этилади. Педагогик технологиянинг асосини ахборот технологияси ташкил этади. Чунки таълим жараёни

технологиясининг асоси ахборот олиш ва қайта ишлашдан иборат[2].

Таълим тизимини ахборотлаштириш терминалогияга мос холда таълим ахборот технологияларини (ТАТ) ўқув жараёнини амалга оширишда ишлатиладиган электрон воситалар ва уларни ишлатиш усулларининг йиғиндиси сифатида таърифласа бўлади. Электрон воситалар таркибига қўлланилиши ТАТ методик қўлланмаларида кўрсатиладиган аппарат, дастурий ва ахборот компонентлари киради. ТАТнинг аппарат, инструментал ва дастурий воситаларининг жадал ривожи турли дидактик ғояларни амалга ошириш имкониятларини яратада. Афсуски, ўзимизнинг ва чет элларнинг таълимга ихтисослашган компьютер тизимларнинг кўпчилиги дидактик кўрсаткичларга кўра ҳаттоки "қоникарли" ҳам деб бўлмайди. Таълимга мўлжалланган "юмшоқ" маҳсулотнинг сифат даражаси уни лойиҳалаш

[2] www.iInfocom.uz сайт маълумотлари

жараёнида – АЎТ маълумотлар базасини ва электрон китобларни тўлдираётганда, моделлаштирувчи турдаги компьютер тизимлари билан ишлашни режаларини тузиш, мисол ва масалалари ишлаб чиқиш жараёнларида белгиланади. ТАТнинг методик таъминоти техник воситалар ривожидан анча ортда қолмоқда. Буни методик жиҳатдан ТАТни психология, педагогика, телематика, кибернетика, информатика сингари мураккаб фанлар билан ишлаши билан тушунтирса бўлади. Касбий таълим учун ТАТни яратиш айнан унинг мавзуси соҳасини, дарс ўтиш методикасини яхши билиш зарурлиги билан ҳам қийинлашади. Шунга қарамай, таълим жараёнига ахборот технологияларининг татбиқ этилиши, бошқарув масалаларини сифат жиҳатидан юқори даражада ҳал этиш ва янада самарали иш усуллари ҳамда шаклларига ўтиш имконини беради.

## 1.3. Иқтисодий фанларни ўқитишда АКТнинг моҳияти

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабхаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигининг ошишида қандай рол ўйнашига боғлиқ.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида янги ахборот технологияларини жорий этиш жараёнида эришилган энг сўнгги ютуқларни тадбиқ этиш суръатларини ғоятда тезлаштириб юборади.

Ахборот технологияси — объектнинг (ахборот махсулотининг) ҳолати, жараён ёки воқеанинг янги хусусияти тўғрисида ахборот олиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усуллари мажмуидан фойдаланиладиган жараёндир.

Ахборот технологиялари тўғрисида гап кетганда, материал сифатида ҳам, маҳсулот сифатида ҳам ахборот иштирок этади. Бироқ бу объект, жараён ёки ҳодиса тўғрисидаги сифат жиҳатидан янги маълумот бўлади. Технология ходимнинг ахборот билан ишлаш усули ва услуби ҳамда техник воситалар орқали намоён бўлади.

Ходимни ўқитиш ва касбий маҳоратини ошириш фақат аньанавий усул ва услубларда эмас, балки замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Янги билимларни E-Learning - электрон ўқитиш тизими ёрдамида ўзлаштириш истеьмолчиларнинг эҳтиёжини максимал даражада қондириши, ушбу ўқитиш тизимини дунёда тобора оммалашиш ишига ёрдам бермоқда.

Шахсий компьютер (ШК) ва коммуникацияларнинг ривожланган воситалари асосида замонавий ахборот технологияларини қўллаш соҳаси иқтисодиётда жуда кенг кўламли бўлиб, у хизмат ёзишмаларининг энг оддий вазифаларини таъминлашдан бошлаб то қабул қилинган қарорларнинг мураккаб вазифаларининг таҳлил ва қўллаб қуватлашгача турли назарияларни ўз ичига олади. Шахсий компьютерлар, лазерли ва оптик техника, оммавий ахборот воситалари ва коммуникацияларнинг хилма хил турлари, шу жумладан йўлдошли алоқа муассасалари, корхоналари, фирмалари, ташкилотлари, уларнинг меҳнат жамоалари ва айрим мутахассисга ўзларини касбий ва таълимий, маданий ва ҳатто маиший манфаатларини амалга ошириш учун барча зарурий ахборотларнинг керакли вақтда ва тўлиқ ҳажимда олишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда компьютер технологияларидан фойдаланиб масофадан (дистанцион) ўқиш жуда авж олиб бормоқда. Бунинг сабаби компьютер технологияларини тез даражада ўсиб боришидир. Ҳар бир замонавий ўқув юрти янги ахборот технологияларини актив ва зарурий тарзда ўқув жараёнида қўлламоқда. Компьютер, компакт маълумот ташувчи, Интернет тармоғи ўқув хизматлар сферасини ва таъсир радиусини ошириш ва талабага таъсир этишни, ўқув дарсликларини талабага етказишни турли хил шаклда бўлишига ва ўқув дарсликларини тезда актуаллаштиришга имкон яратмоқда.

Масофадан ўқиш сиртқи ўқиш кўринишида 2000 йил бошларида пайдо бўлди. Ҳозирда сиртқида ўқиб олий маълумотли бўлиш, хорижий тилларни ўрганиш, Олий ўқув юртига киришга тайёргарлик кўриш мумкин.

Замонавий компьютер технологиялари билимни узатишга ва ҳар хил ўқув ахборотларини анъанавий усуллардан ортда қолмаган ҳолда хатто анъанавий усуллардан юқори даражада бўлган билимни узатишга қодир.

Кўп асрли педагогик тажриба шуни кўрсатадики, тўла-тўкис таълимга эга бўлиш учун фақат қуйидагилардан фойдаланилган ҳолда эришиш мумкин:

1. Яхши дарслик ва ўқув-методик қўлланмалардан фойдаланиш.

2. Сўзлашмоқ ёки талабани ўқитувчи билан диалог олиб бориши.

Масофадан ўқитишда талабани ўқитувчи билан алоқаси чегараланган, шунинг учун ҳам диалог олиб бориш функциясини масофадан ўқитиш воситаларига киритиш зарур. Полиграфия нашридан фарқли ўлароқ масофадан ўқитиш компьютер воситаларида диалог яратиш онсонроқ равишда амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг ўрни масофадан ўқитиш тизимида сезиларли даражада катта. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам масофадан ўқитишда таълим жараёнини асосини мақсадга йўналтирилган ва назорат қилинадиган талабанинг интенсив мустақил иши ҳисобланади қайсики, ўзига қулай жойда ва қулай вақтда ўзида терма (кейс) ўқув воситаларидан (методик қўлланмалар, дарсликлардан, аудиокассеталар, компакт-дисклар ва ҳ.) ва Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида қўлланиладиган технологияларни учта катта бўлимларга бўлиш мумкин:

- Интерактив бўлмаган (буларга, чоп этилган қўлланмалар, аудио ва видео ташувчилар киради).
- Компъютер орқали ўқиш воситалари (буларга, электрон дарсликлар, тест дастурлари ва билим даражасини баҳолайдиган янги мультимедиа воситалари киради).
- Видеоконференция - ривожланган телекоммуникация воситалари (аудиоканал, видеоканал ва компьютер тармоқлари).

Тармоқлар орқали ахборотга тезда рухсат берадиган воситалар масофадан ўқиш тизимига сифатли янги имкониятлар яратиб берди. Ривожланган телекоммуникация воситалари - спутник алоқа каналларини, компьютер тармоқлари орқали видеотасмани масофадан узатишга замин яратди.

Интернет хизмати турларига ахборот хизматлари, электрон почта, телеконференция, файлларни узатиш, домен номлари, Telnet, IRC ёки Chat

конференция, маълумотларни излаш хизматлари тавсифлари келтирилади.

Интернет бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатуви жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи «тармоқлараро» деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи информацион тизим бўлиб, ўзининг алохида ахборот майдонига эга бўлган виртуал тўпламдан ташкил топади. Интернет, унга уланган тармоққа кирувчи барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини яратиб беради. Ўзининг компьютери орқали интернетнинг ҳар бир мижози бошқа шаҳар ёки мамлакатга ахборот узатиши мумкин. Интернет XX асрнинг энг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Ушбу кашфиёт туфайли бутун жаҳон бўйлаб ёйилиб кетган юз миллионлаб компьютерларни ягона информацион муҳитга бириктириш имконияти туғилди. Фойдаланувчи нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, Интернет биринчи навбатда тармоқ мижозларига ўзаро маълумотлар алмашиш, виртуал мулоқот қилиш имконини яратиб берувчи "информацион магистрал" вазифасини ўтайди, иккинчидан эса унда мавжуд бўлган маълумотлар базаси мажмуаси дунё билимлар омборини ташкил этади. Бундан ташқари интернет бугунги кунда дунё бозорини ўрганишда, маркетинг ишларини ташкил этишда замонавий бизнеснинг энг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Интернетга боғланиш ва ундан фойдаланишнинг асосий техник воситасини шахсий компьютерлар ташкил этади. Унинг имкониятларини кенгайтириш учун унга микрофон, видеокамера, овоз чиқаргич (аудиоколонка) ва бошқа қўшимча қурилмалар уланиши мумкин. Интернет хизмати "Интернет провайдерлари" ёрдамида алоқа каналлари орқали амалга оширилади. Алоқа каналлари сифатида телефон тармоғи, кабелли каналлар, радио ва космос алоқа тизимларидан фойдаланиш мумкин. Интернет тармоғининг асосий ячейкалари бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир. Интернет алохида компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина

қолмай, балки компьютерлар гуруҳини ўзаро бирлаштириш имконини ҳам беради. Агар бирон бир маҳаллий тармоқ бевосита интернетга уланган бўлса, у ҳолда мазкур тармоқнинг ҳар бир ишчи станцияси Интернетга уланиши мумкин. Шунингдек, Интернетга мустақил равишда уланган колпьютерлар ҳам мавжуд. Уларни хост компьютерлар (host — раҳбар) деб аташади. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер ўз адресига эга ва унинг ёрдамида жаҳоннинг исталган нуқтасидаги исталган мижоз уни топа олиши мумкин. Интернет - бу Интернет технологияси, дастур таъминоти ва протоколлари асосида ташкил этилган, ҳамда маълумотлар базаси ва электрон ҳужжатлар билан коллектив равишда ишлаш имконини берувчи корхона ёки концерн миқёсидаги ягона информацион муҳитни ташкил этувчи компьютер тармоғидир. Интернет бошқа компьютер тармоқларидан куйидаги билан фарқланади. Бир ёки бир неча серверлардан ташкил этилган тармоқ мижози ундаги электрон ҳужжат, маълумотлар базаси ва файллардан фойдаланиш учун, уларнинг қайси серверда, қайси директорияда қандай ном билан сақланганлигини, уларга кириш усули ва шартларини билиши зарур бўлади. Сервер  бу бошқа компьютер ва программаларга хизмат кўрсатадиган компьютер ёки дастурдир. Яъни бошқа компьютерларга ўзининг файлларидан фойдаланишга рухсат берувчи компьютер Сервер ҳисобланади. Битта компьютерда бир неча сервер ишлаши мумкин.

Бундан ташқари интернет тармоғида мавжуд бўлган барча электрон ҳужжат ва маълумотлар базасини гипер боғланишлар ёрдамида ўзаро боғлаб ягона информацион муҳит қуриш, унда қулай информацион қидирув тизимларини ташкил этиш мумкин бўлади. Интернет ўз-ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим бўлиб, асосан учта таркибий қисмдан ташкил топгандир:

- Техник;
- Дастурий;

• Информацион.

Интернетнинг техник таркибий қисми ҳар хил турдаги ва типдаги компьютерлар, алоқа каналлари (телефон, спутник, шиша толали ва бошка турдаги тармоқ каналлари), ҳамда тармоқ техник воситалари мажмуидан ташкил топгандир. Интернетнинг ушбу техник воситаларининг барчаси доимий ва вақтинчалик асосда фаолият кўрсатиши мумкин. Улардан ихтиёрий бирининг вақтинчалик ишдан чиқиши Интернет тармоғининг умумий фаолиятига асло таъсир этмайди. Интернетнинг дастурий таъминоти (таркибий қисми) тармоққа уланган хилма-хил компютерлар ва тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида (ягона тилда) мулоқот қилиш, маълумотларни ихтиёрий алоқа канали ёрдамида узатиш даражасида қайта ишлаш, ахборотларни қидириб топиш ва сақлаш, ҳамда тармоқда информацион хавфсизликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширувчи дастурлар мажмуадан иборатдир.

# 2. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АХБОРОТ-КАММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

## 2.1. Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўзда тутилган замонавий етук кадрларни тайёрлашда ўқув жараёнига ахборот тенологияларини кенг қўллашни тақозо этади. Замонавий жамият ўзининг барча жабҳаларида ҳажми қандай бўлишидан қатъий назар турли ахборотларга киришни яратиб берувчи ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш билан тавсифланмоқда. Интернет ва мультимедиа технологияларининг ҳаётимизга кириб келиши ахборот технологияларини мулоқот қилиш, тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланишга имкон бермоқда. Баркамол авлодни, ҳар бир шахсни, етук мутахассисни тарбиялаш ва шакллантиришда ахборот технологияларининг ижобий таъсири кўзга ташланиб қолди.

Бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборот ва коммуникация технологиялари (камида бир авлод даври вақтида) дунё миқёсдаги (глобал) *Internet* тармоғи яратилиши ва шаҳсий компьютерларнинг кенг тарқалиши натижасида юзага келди. Бўлаётган ўзгаришлар, аввал жамиятга таъсир кўрсатган оламшумул ахборот алмашуви ва билимлар (телефон, радио, телевидение) берувчи жами кашфиёт ва ихтиролардан фақат бири бўлган тарихий ўхшашликка эга. Бунга мисол қилиб, жамият ҳаёти учун худди шундай таъсир кўрсатган XV-асрнинг 40-йилларида Иоганн Гутенберг яратган босма станокни яратилиши каби.

Босма станок кескин равишда дунёни ўзгартирди: материалларни тезкорлик билан яратиш ва тарқатиш

имкониятини яратди, шрифтларни бир хиллаштирди ва такомиллаштирди, бу эса босма ва қўлёзма китобларни ўқишни тезлаштирди ва осонлаштирди. Китоблар нарҳи арзонлашди ва уларнинг ададлари яъни нашр сонлари ошди. Келажакда Гутенберг ихтироси ўзидан кейин, газетадан то телевидение ва *Internet*гача бўлган тезкор ахборот алмашуви каби алоқа шаклини ривожланишига олиб келди.

Бугунги кунда, биз кузатаётган ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида, шубҳасиз қуйидагилар ўз ўзидан кўриниб турибди:

1. Янги ахборот ва коммуникация технологиялари шахсий компьютер ва *Internet* ихтиро қилиниши сабабли , жамият ҳаётига жуда тез, яъни бир инсон умри давомида кириб келди.

2. Ахборотлар билан ишлаш концепциясининг оддийлиги (элементар битлар даражасида) айниқса тасвир, овоз ва мультимедиа билан ишлашни осонлаштирди. Бунда

микроэлектрон база учун энг арзон ва оддий энергия туридан фойдаланилди.

3. Ва ниҳоят коммуникация усулини ўзгартириб, уни имкониятларини кенгайтириш натижасида, янги технологиялар фан, таълим, маданият, ва сиёсатга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши кутилади.

Бизнинг давримизда, инсоният томонидан тўпланган билимлар ҳажми ортгани ва ижтимоий жамиятнинг тезкорлик билан ривожланиши натижасида, ўз даврининг илғор технологиялари асосида умум башариятнинг бойитилиш ва ҳаракатчан кучлар коммуникациясини такомиллаштириш талаб қилмоқди.

Охирги йигирма йилликда таълим тизими ишида юзага келган вазиятда, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ўқув жараёнининг амалиётига арзонлиги учун ҳаммабоб, локал тармоққа уланган ва шунинг учун дунё миқёсдаги (глобал)

*Internet* тармоғига кириш имкони бўлган шахсий компьютерларнинг жорий қилиниши, бу ишларни янада жадаллаштирди. Ўрта маълумотни кўпинча компьютерлаштиришга ва интернетлаштиришга асосланган, замонавийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун, на фақат ўқув масканлари замонавий техника воситалари билан таъминланмоғи, балки таълим тизимининг ташкилотчилари ва педагоглари ҳам бу соҳада етарли билимга эга бўлишлари керак. Ҳар бир педагог, у ҳоҳ мактаб ёки олий ўқув юрти ўқитувчиси бўлсин, уларнинг асосий мақсади, таълим бериш сифатини юксалтиришдир, бу ишда уларга ахборот ва коммуникация технологиялардан фойдаланиш жуда яхши ёрдам беради. Шунингдек раҳбар учун сифатдан ташқари, амалдаги техник жиҳозлар ва бошқа ўқув ресурсларидан имкони борича кўпчилик фойдалана олишини ташкил этиш зарур. Шунинг учун кўпинча ҳаммабоб ва сифатли таълим беришда

улардан бирига кўпроқ эътибор берилади. Юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун, педагогика ходимларини тайёрлаш босқичида, бу масалага алоҳида эътибор берилиши керак.

Олий таълим тизимида ахборот ва коммуникация технологияларини тадбиқ этиш, асосий икки анъанавий йўналишда олиб борилади.

Биринчиси - таълимни ҳаммабоблигини таъминлашда бу технологиялардан фойдаланиш имконияти, бу таълим тизимига бошқа усулда умуман таълим олишнинг иложи бўлмаган шахсларни киритиш йўли билан амалга оширилади. Бундай дистанцияли таълим бериш шакли кўпгина эътирозга дуч келади. Уларга қарши бўлганларнинг эътирозлари тўғридир, яъни бўлажак талабалар ҳақиқий сифатли таълим олиш учун зарур бўлган барча нарсалардан маҳрумдирлар: лабораториядаги ишлардан, илмий кутубхоналарга киришдан, ўқитувчи ва бошқа талабалар билан семинарлар, бошқа ўқув жараёнлар

ва норасмий шароитдаги мулоқотлардан.

Иккинчи йўналиш - ахборот технологиялари ёрдамида нимани ўқитиш ва нимага ўқитишни ўзгартириш учун, яъни, анъанавий юзма-юз ўқитиш шакли доирасида ўқитиш мазмуни ва усулидан фойдаланиш кўзда тутилган. Аммо, бу ерда илғор технологияларни тадбиқ этиш натижасида, кўпинча асосий омманинг тайёрлаш даражасига қараганда, билимдон, фаол ва лаёқатлик талабаларга қўшимча имконият яратиш билан боғлиқ бўлган жуда ҳам қалтис муаммо юзага келади. Масалан, фойдаланилаётган технология таълим системаси учун мослаштирилмаган бўлиши ва унда ишлаш махсус тайёргарликни талаб қилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, амалда таълим бериш тизимида ахборот технологияларни тадбиқ этиш, билим олишнинг ҳаммабоблигини ёки сараланган талабалар билими сифатини оширишга ёрдам беради.

Айни вақтда жамиятнинг талаби табиий, яъни ҳаммабоб ва сифатли билим олишдадир. Асосий таълим ресурслари доимо қатъий чегараланган миқдорга ва маълум пул эквивалентига эга бўлади: аудитория жойлари, илмий кутубхонадаги китоблар, лаборатория жиҳозлари, малакали ўқитувчилар.

Таълимни ҳаммабоблигини ва сифатини яхшилашни бирга амалга ошириш йўли ҳам мавжуддир, тарихда камида иккита шундай революция бўлган. Аммо, ҳар қандай революцияда, бирор нарса кўпчилик учун ҳаммабоброқ бўлса, кимдир бу нарсадан айрилади. Сифат ва ҳаммабобликда ҳам худди шундай- бирор бир йўналиш яхшиланса, иккинчи йўналиш ёмонлашади. Олдинги икки революция бир вақтнинг ўзида таълим бериш имконини кенгайтириб, янги воситаларни киритиб ва унинг тузилишини ўзгартириб тизим шаклига келтирилди. Қуйидагиларга ўтилди:

- Соқрат давридаги оғзаки диалогдан- ўқиш ва ёзувни ичига олган таълим шаклига келтирилди.

- Илк ўрта аср давридаги мустақил ўқувчиларга, ўзлари ҳохлаган вақтда билим берадиган мустақил олимлардан – бир тартибга келган, яъни олим ва талабалар университетда, колледжда биргаликда ишлайдиган, ўқитувчилар эса, ўқувчиларига мактаб ичида билим берадиган янги таълим тузилишига ўтилди.

Ўқиш, ёзиш ва шубҳасиз, ундан кейин ихтиро қилинган босма станок, педагог ва ўқувчилар ўртасидаги масофа маълум даражада ортса ҳам, билим олувчилар сонини ошишига асос бўлди.

Дистанцияли таълим олиш, ўқитувчи ўқувчига биринчи бор қўлёзмани бериб, — бор, ўқиб кел деган кунидан пайдо бўлган десак янглишмаймиз. Бундай — масофага асосан, ҳар бир ўқишни биладиган ўқувчи кўпроқ фанларни ўзлаштира оладиган бўлди. Ҳар бир фан доирасида ўқувчилар катта ҳажмда фикрлар, муҳокама, нақл ва асосларни ўрганиш имконига эга бўлдилар.

Тахминан биринчи революциядан икки минг йиллардан кейин, иккинчи

революция, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг барча илмий ресурсларини биргаликда тўплади. Лекция заллари ва кутубхоналар – ўша механизмнинг асосини ташкил этади, булар таълим олишнинг ҳаммабоблиги ва сифати даражасини оширишга туртки бўлди, чунки интелектуал ресурслар нафақат тўпланди балки, уларнинг сақланиши ва ривожланишига хизмат кўрсатадиган махсус тузилишга эга бўлди ва бунда илмий изланишлар хамда билим олиш чамбарчас чатишиб кетди. Таълим олиш энди нафақат жой билан балки, билим олиш вақти билан қаттиқ боғланди ва бу боғлиқлик жамоат ижоди билан бирга қўшилиб, бизнинг илмий изланиш ишлари ва билим олишнинг ўзаро боғлиқлигини ташкил этиш ҳақидаги тасаввуримизга жиддий таъсир кўрсатди. Олий таълим давлат аҳамиятига эга бўлди, *университет шаҳарчаси* деган тушунча пайдо бўлди. Таълимнинг ҳаммабоблигини принципиал ортиши билан бирга, кимгадир таълим ола олмайди, чунки масалан, илмий

кучларнинг *университет шаҳарчаси*даги зич жойланиши, жойлардаги илмий мактабларнинг тугатилишига сабаб бўлди. Катта аудиториялардаги лекция шаклидаги ишларни оммалаштириш билан боғлиқ бўлган ўқитишда муаммолар юзага келди: талабаларнинг сусткашлиги, лекторнинг эшитувчилар билан алоқасини йўқолиши каби.

Таълимни ахборотлаштиришдаги ўзгаришларни —учинчи революция деб аташ мумкин бўлса, уни биринчи ва иккинчи революцияга ўхшашлиги кўриниб турибди. Буреволюцияда, таълимнинг ҳаммабоблиги ва сифатини такомиллаштиришнинг барча аломатлари кўриниб турибди:

1) Ахборотнинг тақдим қилишнинг янги шакли. Бунда аввал ёзиб олинган ёки айни вақтдаги ўзида на фақат матнни, балки график тасвирни, анимацияни, овоз ва видеофрагментларни ифодалаган Мультимедиа ахбороти *Internet* тармоғи ёки бошқа телекоммуникация

воситалари ёрдамида узатилади ва компакт дискларга ёзиб олинади;

2) Янги кутубхоналар. Кутубхоналарнинг электрон каталоглари билан бирга Internet, вақт ва масофага қарамай доимо очиқ бўлган жуда катта ҳажмдаги ахборот тўпламларига кириш имконини яратади. Албатта бундай кутубхоналар, уларда сақланаётган барча ахборотларга тўлиқ кира олишни таъминламайди;

3) Ўқув машғулотларининг янги шакли. Агар биринчи революция оғзаки шаклга ўқиш ва ёзиб бориш кераклигини қўшиш билан семинарни ўзгартирган, иккинчиси эса, ўқув жараёнини жуда ҳам яхши ташкиллантириш билан бойитган бўлса, бугунги кунда эса, мутлақо янги асинхрон шаклда, аммо шу билан бирга талаба ва ўқитувчиларни биргаликдаги ишларини виртуал семинар ва лаборотория тартибида олиб бориш имконияти юзага келди.

4) Таълимнинг янги тузилиши. Ўқиш ва ёзиш қўлёзмаларни кўчирувчилар, кутубхоначилар, кейинчалик эса,

босмахона ишчилари ваноширларга бўлган талабни юзага келтирди. Таълимда университет тузилишини пайдо бўлиши, уларни қўллаб-қувватлаб туриш учун маъмурий кучларни ва илмий лабораториялар ишини юритишни таъминловчи қўшимча штатларни талаб қилди. Бугунда таълимга янги имкониятларни киритиш учун, амалдаги тузилмалар телекоммуникация воситалари билан тўлдирилиши ҳамда таълим жараёнига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш учун кераклi билимга эга бўлган мутахассисларга эга бўлиши керак.

Ҳар бир босқичда тегишли технологиялар педагог ва ўқувчиларга жуда катта ёрдам бериб, таълим беришнинг янги шакли ва усулини яратиш, ривожлантириш, илмий йўналишларни, мутаҳассисликни, таълим ҳамда ижтимоий жамият тизимининг тузилишини ўзгартирди. Бу технологияларни тадбиқ этиш натижасида, ўқув ресурсларининг

турлари кўпайди ва бир шаклга келтирилди. Бир биридан тубдан фарқ қиладиган учта революциянинг ҳар бирининг моҳиятини белгилайдиган технологиялар ҳам худди шундай таъсирга эга бўлди. Қоғоз, перо ва босма станок-биринчисида; синф хоналари, лекция аудиторилари, лаборатория ва кутубхоналар - иккинчисида; микропроцессор ва телекоммуникация - учинчисида. Аммо технологиялар ўз ўзидан, ҳоҳ у қоғоз бўлсин, ҳоҳ аудитория, ҳоҳ компьютер бўлсин ҳеч қандай ўзгаришни олиб келмайди. Улардан фойдаланишнинг натижалари улардан биз қандай ва қайси мақсадда фойдаланишимиз орқали белгиланади. Айнан замонавий шароитда таълимнинг сифати ва ҳаммабоблигини такомиллаштириш учун, таълим беришда ахборот ва коммуникация технологияларнинг тадбиқ этишнинг энг мақбул йўлини қидиришда биз диққатимизни юз йиллар мобайнида аввалиги икки революциянинг муҳим технологияларидан фойдаланишдаги

ғоят улкан тажрибага қаратишимиз зарур.

Ҳозирги кунда ҳар бир таълим тизими фанларни ўқитишда албатта ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланмоқда. Маъруза ва машғулотларни олиб бориш жараёнида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ўқув материалларини талабалар томонидан қабул қилиш ва ўзлаштириш самарасини юксалтиради. Шунинг учун ҳам шахсий компьютерлар қудратли таълим воситасига айланмоқда. Бу шахсий комьютер ўқитувчининг барча функцияларини ўз зиммасига олади дегани эмас, албатта. Балки инсоннинг шахсий компьютер билан ўзаро ҳамкорлик қилиши таълим жараёнини янада самарали ташкил қилишда кенг имкониятлар яратади.

Ўқув жараёнидаги ахборот технологиялар қуйидаги кўринишларда ўз аксини топмоқда:

1. Компьютерда ўқитиш дастурлари (электрон дарслик, тренажер, лабораттория практикуми, автоматлаштирилган тест тизимлари).

2. Мультимедиа-технология асосидаги ўқитиш тизимлари (мультимедиа тизимлари, виртуал стендлар).

3. Турли предмет соҳалари бўйича ўқитиш эксперт тизимлари.

4. Фанлар бўйича маълумотлар базалари.

5. Телекоммуникация воситалари (электрон почта, видеоконференция, локал ва корпоратив тармоқлари).

6. Виртуал ёки электрон кутубхоналар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашнинг истиқболлари бўлиб мультимедиа-технологиялари асосида интерактив маърузаларни ташкил қилиш ҳисобланади. Ананавий маърузалар ўқишга нисбатан интерактив маърузаларда талабалар ўқитиш жараёнига фаол аралашишлари мумкин

бўлиб, унда ўқув материалларининг турли жойидан саволлар бериб, аниқ жавоблар олиш имконига эга бўладилар.

Замонавий компьютерларанги асосий потенциали бўлиб, Интернет тармоғининг улкан имкониятлари ва дастурий таъминотлар ҳисобланади.

Интернет - барчаси IP протоколидан фойдаланувчи компютерлар, электрон почтаси, эълонлар доскалари, маълумотлар базалари ва мулоҳаза гуруҳларидан эркин фойдаланишни таъминлайди.

Internetфойдаланувчиларга ахборот ва коммуникационхизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ахборот хизматлари– бунга ахборотлардан фойдаланишга рухсат берувчи хизматлар киради:

- тармоқнинг ахборот ресурсларига, яъни серверда мавжуд бўлган ахборотларни олиш;

- тармоққа шахсий маълумотларни жойлаштириш. Маълумотларни жойлаштириш учун тармоқда жуда хам кўп миқдорда серверлар мавжуд бўлиб, уларга бепул маълумотлар жойлаштириш мумкин.

Коммуникацион хизматлар – мулоқот ва маълумотларни алмашиш хизматлари:

- қулай вақтларда маълумотларни ўзаро алмашиш;

- реал вақт режимида маълумот алмашиш.

Microsoft Office дастурий таъминотлар ўз ичига Microsoft Word, Microsoft Excel, Microsoft Access, Microsoft Publisher, Microsoft Power Point каби дастурларни ўз ичига олади.

Microsoft Word – ушбу дастур матнни электрон кўринишга ўтказиш ва тўғирлаш учун мўлжалланган.

Microsoft Excel – ушбу дастур электрон жадвал деб ҳам аталиб, маълумотларни жадвал кўринишда намаён қилади. Дастур айниқса иқтисодиёт соҳасида кенг қўлланилади, яъни катта ҳажимдани жадвалларни киритиш, ҳисоб-китоб қилишга қулайдир. Таълим тизмида эса

“Матиматика”, “Эҳтимоллар назарияси” каби фанларни ўқитишда: формулалар, тенгликларни ҳисоблаш; диаграммаларни чизишда қўл келади.

Microsoft Access – маълумотлар базасини ташкил қилишга мўлжалланган.

Microsoft Publisher – ушбу дастур орқали календар, таклифномалар, визиткалар тайёрланади.

Microsoft Power Point – тақдимотларни яратиш учун мўлжалланган дастур.

Юқорида этилгарларга хулоса қилиб этадиган бўлса, ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) татбиқ этиш зарурати:

Биринчидан, АКТ таълим учун янги имкониятлар яратади ва кенг доирада аҳолини жалб этиш имконини беради ва шахснинг билимга бўлган талабини қондириши, танлаган касб фаолиятида малакасини ошириши;

Иккинчидан, зарур ахборотдан фойдаланиш учун йўл очиб беради, ахборот алмашинувидаги уланишларни бартараф этади;

Учинчидан, мамлакатга молиявий маблағларни жалб этишга ёрдам беради, таълим сифатини оширишга олиб келади;

Тўртинчидан, АКТ иқтисодий самарадорликни ошириш ва табиийки интеграция суръатини тезлаштиради.

Шу боис, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда.

## 2.2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида АКТнинг замонавий ҳолати ва иқтисодий фанларда қўллашнинг таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунини бажариш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар ва дастурлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган эди, шунингдек ахборот тармоғини шакллантириш, ахборот ресурсларини яратиш ва АКТни таълим жараёнида қўллаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барча олий ўкув юртлари ягона корпоратив тармоққа бирлаштирилиб, www.edu.uz, www.markaz.uz веб-сайтлариишга туширилган. Интернет тармоғининг миллий сегментида ахборот ресурсларни шакллантириш бўйичачора-тадбирлар режасига мувофиқ, барча ўқув юртлари веб-сайтлари www.edu.uz ахборот-таълим порталигабирлаштирилган. Бундан ташкари, ўқув юртларининг ўқув қўлланма ва маъруза матнлари «ZiyoNET» электрон-

таълим базасида жойлаштирилган, «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғининг ресурслари яратилган, ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндалари ҳаёти ва ижодига бағишланган www.literature.uz веб-сайтиишга туширилган, мақолалар тўплами, ўқув қўлланмалар ва E-collector рефератлар ҳамда олтита тилга мўлжалланган — www.multilex.edu.uz он-лайн луғат яратилди.

Ўқув жараёнини бошқаришни компьютерлаштириш, таълим жараёнига масофавий ўқитишни жорий этиш, талабалар ва ўқитувчиларнинг мустақил ўқишини таъминлаш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети (ТДПУ) қошида www.pedagog.uz ахборот-таълим портали яратилди.

Мазкур порталнинг масофавий ўқитиш бўлимида ўрганилаётган фанлар бўйича тест вазифалари ва виртуал лаборатория стендлари жойлаштирилган. Университет бўйича 250 компьютерни бирлаштирган "ТДПУ-ИНТРАНЕТ» тармоғи фаолият юритмоқда. 2007 йилнинг оҳирига келиб, олий ўқув юртларида яратилган 500дан зиёд электрон ўқув қўлланма рўйхатга олинган, ўқитиладиган предметлар аксарияти бўйича маърузаларнинг электрон матнларидан олий ўқув юртлариахборот-ресурс марказларида фойдаланиш мумкин.

ZiyoNET таълим тармоғи ресурс марказининг бўлинмаси томонидан «ZiyoNET» порталининг «Кутубхона» бўлимида 6000 дан зиёд ахборот-таълим ресурслари жойлаштирилган. Барча ресурс марказларида ахборот ва компьютерларни зарарли дастурлардан ҳимоялаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Бунинг учун доимий тарзда янгиланиб турадиган махсус вирусларга қарши дастурлар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги 381-сон фармонига мувофиқ олий ўқув юртларибошида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилмокда, бу эса кадрларни тайёрлаш жараёнигаижобийтаъсир кўрсатмоқда. Ахборот-ресурс марказлардаги компьютерларнинг умумий сони 1600 зиёдни ташкил этади. Ўрта махсус,

касб-ҳунар таълими марказининг барча ўқув юртлари орасида бюджет маблағлари ҳисобига тайёрланган 307та ўқув қўлланмаларнинг электрон версиялари тарқатилган. Ишлар таълим жараёнида АКТни қўллаш бўйича ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг кўникмаларини ошириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда 9 400 мактаб муассасалри, 1 348 ўрта-махсус таълим муассасалари ZiyoNET таълим тармоғи ресурс марказига уланган. Бу ўз навбатида ота-оналарга, ўқитувчиларга, таълим олувчи ёшларга, олимларга ва соҳадаги мутахассисларга таълим ва илмдаги янгиликларга хабардор бўлишига хизмат қилади[3].

Шу билан бирга ZiyoNET таълим тармоғи ресурс марказини янада бойитиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Олий ўқув юртларда АКТни жаддаллик билан кириб келиши таълим жараёнини тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Умумий, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида АКТдан фойдаланиш имкониятлари тобора ошиб бормоқда.

**Мактабларнинг АКТдан фойдаланиш имконияти**

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларини компьютер техникаси билан жиҳозлаш, компьютерларнинг эскирган моделларини экслуатациядан чиқариш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмокда. Бунинг учун халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари жалб килинмоьда. 2010 йилда мактабларни компютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича кўрсаткичларнинг пасайиши экслуатациядан эскирган техникани чиқариш ва республика бўйича янги умумтаълим мактабларни ишга тушириш билан боғлик эди (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

[3] http://parliament.gov.uz/ru/events/fractions/7269

**Умумтаълим мактабларнинг компьютер техникаси билан таъминланганлиги[4]**

| | 01.01.2009 | 01.01.2010 | 01.01.2011 |
|---|---|---|---|
| Мактаб ўқувчиларининг 1 компmютерга (Пентиум 3 ва ундан юқори тоифаси) нисбатан сони | 62.3 | 51.7 | 52.5 |
| Мактаб ўқувчиларининг 1 компьютер синф хонасига нисбатан сони | 581.3 | 571.5 | 658.1 |
| 1 компьютер синф хонасига мактаблар сони | 1.5 | 1.5 | 1.9 |

**Ўрта махсус ўқув юртларининг АКТдан фойдаланиш имконияти**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида 119 академик лицей, 1074 касб-ҳунар коллеж фаолият юритмоқда. Ахборот технологияларига ихтисослашган 37 касб-ҳунар коллеждан ташқари 400 дан зиёд коллежлар информатика ва ахборот технологиялари, радиотехника, радиоалоқа, телекоммуникация каби 19 йўналишдаги 44 мутахассисликлар бўйича мутахассисларни тайёрлайди. Ўрта махсус ўқув муассасаларидаги компьютерларнинг умумий сони 30 683 га тенг ёки касб-ҳунар коллеж ва академик лицейдаги 100 талабага тегишли равишда 2,6 ва 4,7 компьютер туғри келади. АКТга ихтисослашган касб-ҳунар коллежларнинг техникавий базасини мустаҳкамлаш учун хорижий ташкилотларнинг займ грантлари жалб этилади (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

**Ўрта махсус ўқув юртларининг компьютер техникаси билан таъминланганлиги[5]**

| | 01.01.2009 | 01.01.2010 | 01.01.2011 |
|---|---|---|---|
| 1 компьютерга ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг сони (Пентиум 3 ва ундан юқори тоифаси) | - | 48.9 | 36.2 |
| 1 компьютер синф хонасига талабалар сони | - | 586.8 | 434.4 |
| 1 компьютер синф хонасига ўрта махсус ўқув юртлари сони | - | 0.64 | 0.47 |

* шартли равишда 1 компьютер синф хонасида 12 ПК мавжуд

**Олий ўқув юртларининг АКТдан фойдаланиш имконияти**

[4] http://edu.uz сайт маълумотлари
[5] http://edu.uz сайт маълумотлари

2010 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида амалга оширилган чора-тадбири натижасида ОЎЮдаги компьютерлар сони 54 мингдан зиёдни ташкил этди, бу эса 2009 йилга нисбатан 2 марта кўпдир(2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

**Олий ўқув юртларининг компьютер техникаси билан таъминланганлиги[6]**

| | 01.01.2009 | 01.01.2010 | 01.01.2011 |
|---|---|---|---|
| 1 компьютерга олий ўқув юртлардаги талабалар сони (Пентиум 3 ва ундан юкори тоифадаги) | 14.9 | 14.4 | 12.8 |
| 1 компьютер синф хонасига олий ўқув юртлардаги талабалар сони | 489.0 | 478.8 | 424.9 |
| 1 компьютер синф хонага олий ўқув юртлар сони | 0.1 | 0.1 | 0.1 |
| олий ўқув юртлардаги компьютер синф хоналарининг ўртача ишлаш вақти (соат/ҳафта) | 48.0 | 48.0 | 48.0 |

Интернетдан фаол фойдаланувчи талабалар сони 83% ошиб, 52 мингдан зиёд талабани ташкил этди. Барча олий ўқув юртларидаги компьютерларнинг умумий сони 23 420 бирликни ёки 100 талабага ўртача 7,8 компьютерни ташкил этди.

**Ўқув юртларининг АКТ ўқитувчилари билан таъминланганлиги**

Республиканинг АКТ билан боғлиқ фанлар ўқитилиши дастурида кўзда тутилган барча ўқув юртлари тегишли ўқитувчилар билан таъминланган. Ҳар бир вазирликлар қошида АКТ мутахассислиги бўйича ишлайдиган ўқитувчиларни тайёрлаш ва кўникмаларини оширишга оид жадваллари тасдиқланган (2.2.4-жадвал).

2.2.4-жадвал

[6] http://edu.uz сайт маълумотлари

**Ўқув юртларининг АКТ ўқитувчилари билан таъминланганлиги[7]**

| | 01.01.2009 | 01.01.2010 | 01.01.2011 |
|---|---|---|---|
| АКТ ўқитувчиларининг умумий ўқитувчилар сонидаги улуши (%) | 5,7% | 5,7% | 5,9% |
| 1 талабага ОЎЮдаги ўқитувчилар сони | 0,5% | 0,4% | 0,5% |
| 1 ўқувчига мактаблардаги АКТ ўқитувчилари сони | 0,1% | 0,2% | 0,2% |
| АКТ бўйича қайта тайёрланган ОУЮдаги ўқитувчиларининг улуши(%) | 27,0% | 31,4% | 45,5% |
| *АКТ* бўйича қайта тайёрланган мактаблардаги ўқитувчилар улуши (%) | 15,9% | 17,3% | 68,0% |

шу такидлаб ўтиш керак, ўтган йилда 376 коллеж ва лицейлар, 280 ахборот-ресурс марказлари, 2 154 мактаблар янги компьютер хоналар ва мультимедия технологиялар билан таъминланди.

**Таълим муассасаларининг Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти**

Интернет тармоғидан имтиёзли равишда фойдаланиш ва илмий, маданий, таълим, тиббиёт ва бошқа муассасалар учун хостинг хизматларини тақдим этиш мақсадида UZINFOCOM марказининг тузилмавий бўлими бўлган UzSciNet илмий-таълим тармоғи ташкил этилган эди. UzSciNet республиканинг турли вилоятларида ўз вакилларига эга ва Интернетдан оддий модем (dial-up) ва ажратилган линия-йўналиш бўйича фойдаланиш имконини беради (2.2.5, 2.1.6-жадваллар).

2.2.5-жадвал

**Таълим муассасаларининг Интернет тармоғига уланишга оид кўрсаткичлари[8]**

| | 01.01.2009 | 01.01.2010 | 01.01.2011 |
|---|---|---|---|
| Интернет тармоғига уланган мактаблар улуши (%) | 1,7% | 2,3% | 2,7% |
| Интернет тармоғига уланган ўрта таълим муассасалар улуши (%) | - | 67,0% | 77,5% |
| Интернет тармоғига уланган олий ўқув юртлар улуши (%) | 100,0% | 100,0% | 100,0% |

2.2.6-жадвал

[7] http://edu.uz сайт маълумотлари
[8] http://edu.uz сайт маълумотлари

**Таълим жараёнида АКТ ва Интернет тармоғидан фойдаланиш[9]**

| | 01.01.2009 | 01.01.2010 | 01.01.2011 |
|---|---|---|---|
| АКТ билан боғлиқ бўлмаган фанларга ўқитишда АКТ ва Интернетни қўллайдиган ўқитувчилар улуши (%) | 2,0% | 6,0% | 10,0% |
| АКТ билан боғлиқ бўлмаган фанларга ўқитишда АКТ ва Интернетни қўллайдиган мактаб ўқитувчилари улуши (%) | 1,1% | 1,2% | 1,7% |
| Ўз веб-сайтларига эга олий ўқув юртлар улуши (%) | 100,0% | 100,0% | 100,0% |
| Уз веб-сайтларига эга мактаблар улуши (%) | 0,8% | | |
| Компютерда тест ўтказишни қўллайдиган ўқув юртлари улуши (%) | 80,3% | 85,2% | 88.5% |
| Мультимедиа илова ва веб-ресурслар қўлланиладиган фанлар улуши (%) | 4,0% | 7,0% | 12,0% |

Интернет-хизматларни такдим этишдан ташқари UzSciNet нинг асосий фаолият йўналишларидан бири бу ахборот технологиялари соҳасида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш ҳамда Ўзбекистоннинг илмий ва маданий қадриятлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишдан иборат.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларнинг қўлланилиши бир неча омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, таълим тизимига АКТни тадбиқ қилиниши инсондан инсонга унинг ижтимоий ва технологик малакасини ва йиғилган билимларни узатишни тезлаштиради.

Иккинчидан, замонавий АКТ таълим ва билим сифатини оширади, инсонга ижтимоий ўзгаришларга ва атроф муҳитга тез мослашишига имкон беради.

Учинчидан, анъанавий таълим тизимини қайта шакллантириш жараёнига ва ахборотлашган жамиятни талабига жавоб берувчи, ушбу технологияларни таълим тизимига фаол ва самарали тадбиқ этилиши таълим тизимини шакллантирадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Таълим соҳасига АКТни тадбиқ этиш ва ривожлантириш асосий вазифани амалга ошириш қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги

---
[9] http://edu.uz сайт маълумотлари

Қонун хизмат қилади. Қонун меъёрлари таълим соҳасида АКТни ривожлантириш бўйича бир неча йўналишларни белгилайди: таълим соҳасида давлат сиёсатининг асоси, давлат ахборот тизими ва ахборот ресурсларни ташкил қилиш бўйича жараёнлар, уларни ахборот хавфсизлиги билан таъминлаш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларни бажарилиши давлатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлардан кўришимиз мумкин. Ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш мақсадида қуйидаги ишлари олиб борилмоқда: таълим муассасалар замонавий компьютер ва техника билан таъминлаш, дарс жараёнида мультимедия ва электрон дарсликлардан, рақамли таълим технологиялар фойдаланиш, ахборот-ресурс марказлар ташкил қилиш.

Ҳозирги кунда таълим жараёни АКТсиз тассавур этиб бўлмайди, буни таҳлил натижаларидан кўришимиз мумкин. Ҳар бир таълим муссасаси ўқитадиган фанларида АКТ ва Интернетни фаол қўллаб келмоқда. Бунда таълим муассасалардан бири Тошкент ахборот технологиялар университети. Университет тўла қонли АКТ билан таъминланган бўлиб, ҳар факультет фанларни ўқитишда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланади. Шулардан бири “Иқтисод ва бошқарув” факультетидир.

Факультет таълим жараёнида ахборт-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланилишини аниқлаш мақсадида “Иқтисод ва бошқарув” факультетининг “5340100 - Иқтисод” мутахассисликнинг ахборот технологияларидан фойдаланилган бешта “Микроиқтисодиёт”, “Статистика”, “Макроиқтисодиёт”, “Пул, кредит ва банклар”, “Иқтисодий таҳлил” фанлари бўйича 87 нафар иккинчи босқич талабаларида 18 та саволлик анкета бўйича сўровнома ўтказилди (2.2.1-расм).

Талабалар билан ўтказилган сўровнома таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишни ижобий эканлигини, у иқтисодий билимларни ривожлантиришда, мос кўникма ва малакалар ҳосил қилишда

ёрдам қилишини кўрсатди. Мустақил иш топшириқларини бажариш давомида талаба эркинмустақил фикрлашга, топшириқни таҳлил қилишга, шарт–шароитни ҳисобгаолишга, муаммолар қўйишга, пайдо бўлган муаммоларни ечишга ўрганди,мустақил ишлаш жараёни аста–секинлик билан ижодий жараёнга айланди.




**2.2.1-расм. Компьютер ва методлардан фойдаланишни хоҳлаганлар нисбати**[10]

Тажриба–синов ишлари давомида ўқув материалининг катта бўлимларини ўрганиш оралиқ тест назоратлари билан якунланди. Унинг натижаларига кўра тажриба гуруҳларда тавсия этилаётган технология асосида билимларни ўзлаштириш коэффициенти назорат гуруҳларига нисбатан 15–20% баъзи мавзулар бўйича эса 28% гача юқори бўлди.

[10] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Талабаларда ахборот технологиялардан фойдаланиб, иқтисодий билимларни ривожлантириш тажриба гуруҳи (ТГ) ва назорат гуруҳ(НГ)лар натижаларининг таққосланиши 2.2.7–жадвалда келтирилган.

Бу ерда: N–тажрибада қатнашган ҳар бир гуруҳ талабаларининг абсолют сони;

n– уёки бу даражада иқтисодий билимларни эгаллашда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасига эга талабалар сони.

2.2.7–жадвал

**Талабалар билимларни ўзлаштириш[11]**

| Гуруҳ | n | Даража | Дастлабки назорат | | | Иқтисодиётда АКТдан фойдаланиш | | | Бухгалтерия ҳисобида АКТдан фойдаланиш | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | N | % | БЎК | n | % | БЎК | n | % | БЎК |
| НГ | 100 | Юқори | 30 | 30 | 0,74 | 40 | 40 | 0,77 | 25 | 25 | 0,78 |
| | | Ўртача | 60 | 60 | | 50 | 50 | | 25 | 25 | |
| | | Паст | 10 | 10 | | 10 | 10 | | 50 | 50 | |
| ТГ | 110 | Юқори | 20 | 18,8 | 0,72 | 50 | 45,45 | 0,83 | 80 | 72,73 | 0,92 |
| | | Ўртача | 70 | 63,64 | | 50 | 45,45 | | 20 | 18,18 | |
| | | Паст | 20 | 18,8 | | 10 | 9,1 | | 10 | 9,09 | |

Агарда ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш коэффициентининг кўрсаткичи мос равишда 0,8 дан 1 гачани ташкил этса, ахборот технологияларидан фойдаланишнинг даражаси юқори деб ҳисобланади, агарда 0,7 дан 0,8 гача бўлса, ўртача ва агарда 0 дан 0,7 гача бўлса – паст ҳисобланади. Тажриба-синовдан олинган натижаларга Вилкоксон критерийсини аниқлаш орқали математик статистик ишлов берилди (2.2.2-расм).

[11] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган




**2.2.2–расм. Назорат ва тажриба гурух ўқувчиларини касбий тайёргарлик кўрсаткичларининг таққослаш гистограммаси[12]**

Иқтисодиёт йўналишидаги ўқув материалининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини такрорий назорат қилиш ва унинг натижаларини қайтаишлаш натижалари, тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасига қараганда 14% га ошганлигини (2.2.7-жадвал), шунингдек тажриба гурух ўқувчиларининг касбий тайёргарлиги назоратгурух ўқувчиларининг касбий тайёргарлигига қараганда юқори эканлигини (2.2.2.-расм) кўрсатди.

Шунингдек кафедра томонидан фанлар бўйича: маърузаларни ўқиш; амалий машғулотларни олиб бориш; мустақил ишларни қабул қилиш; оралиқ ва якуни назоратни ўтказишда АКТдан кенг фойдаланади.

---

[12] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Талабалар билан масофадан таълим бериш мақсадида фанлардан электрон дарсликлар яратилган (2.2.3, 2.2.4, 2.2.5, 2.2.6, 2.2.7-расмлар).




2.2.3-расм. “Макроиқтисодиёт” фани




2.2.4-расм. “Бюджетни бошқариш” фани




2.2.5-расм. “Алоқа ва ахборотлаштириш” фани




2.2.6-расм. “Микроиқтисодиёт” фани




2.2.7-расм. “Пул муомаласи, кредит ва молия”

Ҳозирги кунда мавжуд электрон дарсликларни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. “Бухгалтерия ҳисоби” фанини олиб бориш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида “Ўзбектелеком” акционерлик компанияси билан ҳамкорликда “Иқтисод” кафедрасида 2013-2014 ўқув йилида “1С-бухгалтерия” лаборатория класси ташкил қилинмоқда.

# 3. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

## 3.1. Таълим тизимини ахборотлаштиришнинг долзарб муаммолари

Таълим тизимини тубдан ўзгартириш, янги замонавий электрон таълим муассасаларни ташкил этиш, жамиятни ахборотлаштириш, электрон давлат тизимини шакллантириш ҳозирги кунда давлатимизнинг асосий вазифалардан биридир. Аммо ҳар қандай вазифани бажаришда олдида турган мауммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Шундай экан электрон таълим тизимини ривожлантиришда ҳам бир неча муаммолар мавжуд.

Интернет-ўқитиш (тармоқли ўқитиш)нинг психологик-педагогик муаммолари.

1. Замонавий ахборот-таълим муҳитида ўқитиш назариясининг мавжуд эмаслик муаммоси; бунинг натижаси –

тушуниш-тоифа аппаратининг мавжуд эмаслиги. Ҳозирги вақтда ўқитишнинг мавжуд бўлган назариясидан ҳеч бири виртуал таълим муҳитида ўқитиш учун бевосита фойдланила олиши мумикин эмас. Компьютер ўқиттиш ёки Интернет-ўқитишни анъанавий методологик ўқитишга мувофиқ ўқитишни қуришнинг мавжуд уринишлари кам самарали бўлиб чиқди. Электрон педагогиканинг таъриф, атамага оид муаммоларини ишлаб чиқишнинг қониқарсиз ҳолати илмий-педагогик муҳитда турлича номланишга эга ўқитишнинг битта ўзига хос хусусиятининг кўп маънога эга тушунчасининг мисоли: хусусан электрон қўлланма ёки компьютер қўлланма. Натижада ўқитиш воситасининг ушбу жами «ўқув вазифанинг электрон нашри» деб аталди. Ўшбу тушунча белгиланган белгиси бўлиб ҳисобланмайди.

2. Оптималлик муаммолари: замонавий ахборотлаштирилган таълим муассасаларда самарали ўқитиш учун ўқув-методик комплекслар (ЎМК)

таркиби, турли ташувчиларда (қоғоз, тармоқ, CD-ROM ва бошқалар) ЎМК дидактик элементларни жойлаштириш; ўқитишнинг у ёки бошқа методикасини қўллаш.

Муаммо бўлиб, масалан, самарадорликнинг максимал босқичи билан ўқитиш учун ахборотнинг турли ташувчилар турида ЎМК элементларини жойлаштириш пропорцияларини аниқлаш ҳисобланади. Ушбу муаммо психологик-педагогик назария асосида ҳал этилиши керак. Бу ерда ҳар бир ЎМК элементларида ўқув материалларининг таркибини структуралаштириш муаммоаси юзага келади. Ушбу муаммони ҳал қилиш тегишли восита ва методларни (IMS, SCORM ва бошқа.) қўллаган ҳолда таълимда стандартлаштириш муаммолари билан боғлиқ.

3. Оптималлаштириш муаммоси бўлиб ўқув материални психолого-эргономик тақдим этиш, ўқув материални инсон томонидан қабул қилиниши, электрон кўрнишда тақдим этиш, электрон ўқув материални тушуниш ҳисобланади. ЎМКнинг турли элементларида

жойлашган ўқув ахбороти (ўқув адабиётлар, ўқув қўлланма ва бошқалар) матн шаклда, ёки овоз шаклда, ёки схема шаклда, видеоқатор ва ҳоказо кўринишда ёки уларни биргаликда қўлланиш шаклида тақдим этилган бўлиши мумкин. Бунда эргономик ва валеологик талабларга риоя қилинган бўлиши керак. Ушбу муаммо компьютер экранидан ўқув материални инсон томонидан қабул қилинишнинг психологик-лингвистик хусусиятлар, масофадан ўқитиш тизимида фойдаланувчиларнинг психологик характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда тушуниш билан боғлиқ. Бу ерда ўқув материални инсон томонидан қилинишнинг психологик назариясидан фойдаланиш йўналишларида тадқиқотни ўтказиш, ЎКМда фойдаланувчиларнинг психологик характеристикаларидан, экрандаги ўқув материални ўзлаштириш темпидан ва бошқалардан фойдаланиш зарур. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ушуб соҳада Россия таълим академиясида, Воронеж давлат

педагогик университетда, РАГС ва бошқа олий ўқув юртларида ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотларда ўтказиладиган, лекин ЎКМда ўқитишнинг ўзига хос хусусиятни ҳисобга олган ҳолдадастурлар, шунга ўхшаш тадқиқот дастурлари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

4. Ўқитувчи ва талабаларнинг замонавий ахборот-таълим муҳитига киришга тайёрлик муаммоси. Ушбу муаммони ҳал қилиш ахборот технологиялари соҳасида бўлгани каби, замонавий ахборот-таълим муҳитининг педагогикаси соҳасида таълим жараёнининг иштирокчиларини тайёрлашни ўз ичига олади. Ушбу йўналишлар бўйича замонавий ЎКМда ўқитувчи ва талабанинг фаолият юритишига ўхшаш бўлган ўқитувчи ва талабанинг моделлари, уларнинг негизида ўқув дастурлар ва режалар ишлаб чиқилган ва тадқиқ қилинган бўлиши керак. Бундай ҳаракатларнинг прототипи бўлиб Россия давлат очиқ таълим институти (РГИОО)да, М. Шолохов

номидаги Москва давлат очиқ педагогик университетида (МГОПУ) ва бошқаларда тармоқ тизимини шакллантириш йўналишида олий мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш тармоқ тизимини шакллантириш йўналишида биринчи қадам бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Ўқув жараён иштирокчиларининг кундузги мулоқатининг чекланиши билан юзага келган тарбиявий муаммолар. Тарбия педагогиканинг асосий таоифаси ҳисобланади. Бироқ ушбу атама педагогикага оид адабиётда бешта турли тушунчалар билан белгиланади: 1. Ижтимоий тузум ва атроф муҳитнинг инсонга таъсир этиши; 2. Тўпланган жамоат-тарихий тажрибани янги авлодга бериш; 3. Таълим муассасида ўқув-тарбиявий жараён; 4. Муайян ишонч ва қарашлар тизимини шакллантириш учун махсус тарбиявий иш; 5. Алоҳида сифатларни шакллантириш.

Ўқув материал сифати, ўқитиш сифати ва таълим стандартларига мувофиқлиги

муаммолари. Ушбу муаммони ҳал этиш барча қолган муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигини билдиради.

Таклифқилинган асосий психологик-педагогик муаммолар ҳал этиб бўлинмайди дебқабул қилиш мумкин эмас. Шиддатли ривожланаётган ахборот ва телекоммуникацион технологиялар, Интернет тармоғи орқали тақдим этилаётган хизматлар ва имкониятларнинг тез суръатларда ривожланиши, ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган амалда ҳар куни янги дастурий маҳсулотларнинг пайдо бўлиши педагоглар ва психологлар олдига янги масалаларни қўймоқда. Шундай қилиб, шаклланлантирилган муаммолар ахборот-таълим муҳитининг пайдо бўлишида ва очиқ таълим тизимининг ривожланишида ҳаракатларнинг ўзига хос режаси ҳисобланади.Ушбу доимо ўзгарадиган ва кенгайядиган муаммоларнинг динамик рўйхатидир.

## 3.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда АКТни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар

Таълим тизимида АКТни такомиллаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширишга таклиф қилинди:

1. Компьютер ва телекоммуникация инфратузилмани ривожлантириш соҳасида ОЎЮларнинг ва бирлашган корпоратив тармоқни лойиҳалаштириш, қуриш, хизмат кўрсатиш учун бажарувчи органларни янада такомиллаштириш. Ҳар йили ОЎЮларга татбиқ қилинаётган тармоқли ва телекоммуникация лойиҳаларни техник экспертизадан ўтказиш. ОЎЮ локал тармоғини ЎзР Таълим Вазирлигининг ягона корпоратив тармоғига бирлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Компьютер техникаси ва Интернетдан самарали фойдаланишни оширишда барча бўлинмаларнинг масъулиятини ошириш. Мавжуд бўлган барча компьютер парклари ва периферия қурилмаларини ишлатиш учун, компьютер классларни ва локал тармоқни ишлатилиши самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ОЎЮлар компьютерларини Интернет тармоғига уланиш графигини кўриб чиқиш.

2. ОЎЮлар учун лицензияланган дастур таъминотини харид қилиш. Мультемидия ва бошқа дастур маҳсулот турларини, электрон маълумотлар базасини, Web–сайтни, ўқитувчиларнингмаърузни электрон кўриниши, услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ишларни йўлга қўйиш.

3. Ҳар чоракда ОЎЮ ичида ва йилда бир мартда ўзаро ОЎЮлар орасида дастурлаш соҳасида энг яхши ишлаб чиқилган дастур бўйича ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани оширишда танловларни ўтказиш лозим. ОЎЮ ходимлари ва турли контингентади ўқитувчиларни компьютер саводхонлигини ошириш.

4. Ташкилий жараёнда ўқув режаларни шакллантиришда кадрларда эҳтиёж бўлган ташкилотларга ёрдам бериш, шунингдек услубий-техник

басани мустаҳкамлашда амалий ёрдам бериш. Ўқув жараёнида МЎТ қўллашни амалга ошириш мақсадида малакали мутахассисларни тақдим қилиш. МЎТда кадрларни тайёрлаш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш.

5. МЎТ ва ОЎЮни молиялаштириш соҳасида, ахборот технологиялар билимга эга бўлган ОЎЮ ходимлар ва ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Ушбу таклифларни амалга ошириш қуйидагиларга эришишга имкон беради:

1. Ахборот технологияларидан фойдаланиб, иқтисодиёт фанларини ўрганиш – талабаларда зарурий кўникмаларни ишлаб чиқишда вақтдан самарали фойдаланиш имкониятини, талабанинг мобил ишлаш кўникмасини ҳаёт тарзига айлантириш, таълим субъекти сифатида талабаларни фаоллаштириш, телекоммуникация воситалари ёрдамида узоқдаги манбаалардан ҳам фойдаланиш имконини яратиш;

2. Дастур билан мулоқотли равишда таълим олишда талабаларнинг иқтисод фанига қизиқишини ошириш;

3. Ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнини жадаллаштириш.

4. Иқтисодиёт фанлари бўйича таълим жараёнида компьютер дастурлари(Microsoft Word, Microsoft Access, Excel, Microsoft Power Point)дан, «1С-бухгалтерия» автоматлаштирилган дастурдан фойдаланиш;

5. Иқтисодий билимларни ривожлантиришга мўлжалланиб яратилганахборот технологияларидан фойдаланиш ва методикаларини иқтисодий йўналишдаги таълим муассасалари ўқув жараёнига тадбиқ этиш:

– ўқув материалини ўрганишда компьютердан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги, материални мантиқий бўлимларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирини мос методика ёрдамида ўрганиш, тизимлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, талабалар билимини текшириш;

– талабалар томонидан ўқув материалларини чуқурроқ тушунишлари;

– иқтисодиёт фанларидан таълим олишни ижодий жараёнгаайлантириш;

– талабалар томонидан бажарилган мустақил ишларни назорат қилиш, баҳолаш ва сифатли бажарилганини рағбатлантириш;

– ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув ахборот ҳажми ва ҳаракатини, талабалар билим даражаларини ривожланиши ва ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълимдаги аниқ вазифаларни қўйиш.

# 4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

## 4.1. Гиподинамия ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири

Гиподинамия – (гипо ва грекчадан дунамис –куч) инсон организми (қон айланиш, нафас олиш, таомни ҳазм қилиш, таянч –ҳаракат аппарати) функциялари ҳаракат қилиш фаоллигининг чекланганлиги, мушаклар қисқариши кучининг пасайиши натижасида бузилишидир. Меҳнатни автоматлаштириш ва механизациялаштириш, коммуникация воситалари ролининг ўсиши туфайли гиподинамия кундан-кунга оммалашиб бормоқда Бу муаммо бевосита компьютер билан боғлиқ эмас. Ўтирган ҳолда меҳнат қиладиган одамларнинг барчаси учун гиподинамияга чалиниш хавфи бор. Узоқ вақт ўтирганда гавданинг ҳар қандай ҳолати таянч-ҳаракат аппарати учун зарарли бўлиб, бундан ташқари ички аъзоларда ва капиллярларда қоннинг тўхтаб қолишига олиб келади.

Кўпроқ ревматик оғриқлар ва варикоз пайдо бўлади.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун:

- компьютер билан ишлаш вақтида тез-тез гавда ҳолатини ўзгартириб туриш;
- мириқиб керишиш;
- стол тагида оёқлар ҳолатини ўзгартириб туриш;
- телефонни ўзингиздан узоқроқ жойга қўйиш;
- мабодо кофе, чой ёки бошқа ичимлик ичмоқчи бўлсангиз, асло компьютер олдида ичманг, бунинг учун қулай бўлган бошқа жойга ўтиш;
- вақт-вақти билан туриб, шунчаки сайр қилиш;
- иш вақтида дераза ойнаси ёнига келиб, кўчани томоша қилиб туришни одат қилиш, бу ҳар томонлама фойдалидир.

- компьютер билан ишлашдан аввал ва ундан кейин вақтингизни фаолликда ўтказиш – сайр қилиш, спорт ўйинларини ўйнаш, рақсга тушиш, хуллас, истаганингизни қилинг, лекин ҳаракат қилиш.

Компьютер билан ишлаш давридаги ҳаракатсизликни серҳаракатлик билан алмаштириш керак.

Иш вақтида гавдани тўғри ҳолатда тутиш компьютернинг соғликка зарарли таъсирини камайтиришга ёрдам беради. Гавдани тўғри тутишни уни маълум бир вақт давомида назорат қила туриб ўрганиш жуда муҳимдир. Шунда гавдани тўғри ҳолатда тутиш одат тусига киради. Жуда осон машқни тавсия қиламиз: текис деворга суянинг, бунда товон, болдир, тос, курак, тирсакларинингиз ва бошингиз деворга тегиб турсин.

Тавсиялар:

- клавиатура албатта тирсакларингиздан пастроқда бўлиши керак;

- елка ва билаклар орасидаги бурчак 121 даражадан кам бўлмаслиги керак;

- узоқ вақт ишлаётганингизда кафтларингизнинг ички томонлари таянчга эга бўлиши керак;

- қўлларингиз пастга осилган ҳолда бўлиши мумкин эмас, курсининг қўл учун суянчиқларига қўйиб ўтиринг;

- бошингизни олдинга егиб ўтиринг, дисплей екранини шундай жойлаштиринг-ки, сизнинг нигоҳингиз озгина пастроқда бўлсин;

- стул ёки курси суянчиғига суяниб ўтиринг.

Тўғри ҳолат.

Ўтирганингизда гавдангизни бир оз орқага ташланг. Бундай ҳолат умуртқа поғонасига оғирлик тушмаслигига, тана бўйлаб қон айланишининг яхшиланишига олиб келади, бу еса айни кучга тўлган еркаклар учун жуда муҳимдир. Қўлларингиз курсининг қўл учун суянчиқларида еркин туриши лозим. Тирсак ва билакларингизни бўш қўйинг. Кафталарингиз билакларингиз билан бир чизиқда бўлсин, яъни билакдан пастда ёки тепада

бўлмасин, фақат бармоқларгина ишласин.Бўксангиз танангизга нисбатан тўғри бурчакда, тиззаларингиз эса бўксага нисбатан тўғри бурчак остида бўлсин.

Оёқлар полда ёки оёқлар учун тайёрланган махсус мослама устида турсин.

Бир хил ҳаракатларни бажарувчи мушаклар гуруҳи учун чарчаш зарарлидир. Чарчаш бўғин ва пайларнинг шикастланишига олиб келиши мумкин. Компьютер сичқончаси ва клавиатура билан узоқ вақт бир хил ҳолатда ишлаш натижасида қўл пайлари тендовагинити айниқса кўп учрайди. Тендовагинит – (янги лотинчадан тендо – пай) пайларнинг яллиғланишидир (кўпроқ қўл панжалари, билак, тизза). Зўриқиш, шикастланиш, панарисия ва компьютер билан узоқ вақт мунтазам ишлаш натижасида бу касаллик ривожланиб боради. Белгилари: пайлар шишади, оғриқ пайдо бўлади.

Ўтириб бажариладиган машқлар:

Яхшилаб ўтириб олинг, гавдангизни тик тутинг, кўзларингизни очиб, нигоҳингизни тўғрига қаратинг;

Кўз олмасининг ҳаракатларида иштирок етадиган мушаклар ором олиши учун:

Кўзларингиз билан чапга-тўғрига тўхтамай ҳаракат қилинг.

Кўзларингиз айлана бўйлаб чапга ва ўнгга аввал тез, кейин секинроқ 1-10 маротаба ҳаракат қилсин.

Фокус масофасини ўзгартириш:

Аввал бурун учига, сўнгра узоққа қаранг. Ўзингиздан 30 см масофада бўлган бармоқ ёки қалам учига, кейин узоққа қаранг. Бу машқни бир неча марта такрорланг. Кўзингизни қаттиқ юминг, сўнгра бир неча марта такрорланг. Кўзингизни қаттиқ юминг, сўнгра бир неча марта кўзларингизни пириллатинг.

Машқларни қовоқлар учун массаж билан якунлаймиз:

Кўрсаткич ва ўрта бармоқларингиз билан қовоқларингизни бурундан чаккаларингизга қаратиб майин силанг, сўнгра кафтларингизни бир-бирига ишқалатиб, уларни юмуқ кўзларингиз устига оҳиста қўйинг (1 дақиқа), бунда кўзларингиз тўла юмилиши, улар ёруғликни сезмасликлари керак. Ўзингизни қоронги хонада ўтиргандай ҳис қилинг.

Замонавий компьютерларда кўриш қобилияти паст бўлган одамлар ишлаши учун барча шароитлар мавжуд.

Бош билан қилинадиган айлана бўйлаб ҳаракатлар.

Мақсад бўйин, бош, кўз мушакларига дам бериш, елка камаридаги зўриқишни йўқотиш.Чуқур нафас олиб кўзларингизни юминг:

Нафас чиқараётганда иягингизни кўкрагингизга оҳиста туширинг; бўйин ва елкаларни бўш қўйинг.




4.1.Расм

Огоҳлантирамиз:

-бошингизни пастга қаттиқ эгманг;

-Бу машқни аста-секин, шошилмай бажариш жуда муҳимдир;

-чуқур нафас олиб, бутун гавдани бўш қўйишни назорат қилиб туринг.

Тананинг қуйи аъзолари зўриқиши.

Мақсад-оёқ ва бўксадаги нохуш ҳолатни йўқотиш, думба мушакларига йўк бериш. Бу машқни ўтирган ҳолда 1 марта 30 сония давомида (ҳар бир оёқ учун) бажариш керак

Ёдингизда бўлсин:

- Умуртқа поғонаси ёки белингизда оғриқ сезсангиз, бу машқни бажаришдан аввал шифокор маслаҳатидан ўтинг;

- стулда қулай ўтиринг, бўксангиз тиззаларингиздан бир оз тепарокда бўлсин, оёқ товонларингиз полда бўлсин;

Чап оёғингизни ўнг оёғингиз устига қўйиб, уларни чирмаштиринг, бармоқларингизни чап тиззангиз остига қўйинг;

Тиззангизни қўлларингиз билан юқорига ва ўнгга кўтаринг (гавдага нисбатан диагонал бўйича)

Барча мушакларингизни таранг қилинг.Шу ҳолатда 30 сония давомида ўтиринг.Сиз думба мушаклари ва чап бўкса мушакларининг ташқи қисмининг таранглашганини ҳис қилишингиз керак.Машқни энди ўнг ойоғингиз билан бир неча маротаба такрорланг.

Ёдингизда бўлсин:

Машқни аста-секин, ортиқча уринишсиз бажаринг.Оёқ фақат қўллар билан кўтарилиши керак.

Бўкса ва тиззадан пастки қисмларни бўш қўйинг;

Бир маромда эркин нафас олинг

Яқин нуқтадан узоққа тикилиш

Бу машқ ўтириб, 30 сония давомида бажарилади.

Хоч тасвири туширилган ўйин картасини деворга кўзларингиз қаршисида турадиган қилиб маҳкамланг(4.1а- расм), деворгача бўлган масофа 30 смни ташкил этиши керак. Чап қўлингизга қаламни олиб, тўғрига чўзинг, нигоҳингизни қалам учига қаратганингизда, орқа планда сиз 2та картани “кўришингиз” керак.

2 марта нафас олиб, нафас чиқаринг, 1 марта киприк қоқинг.Энди картага тикилинг. Бу сафар сиз 2та қаламни “кўрасиз”.2 марта нафас олинг ва нафас чиқаринг.Киприк қоқиш эсингиздан чиқмасин.

Нафас олаётганингизда бошингиз билан аста-секин айлана бўйлаб чап томонга ҳаракат қилинг.

Елкаларингизни бўш қўйинг (4.12б- расм).

Нафас чиқараётганингизда бошингиз билан ўнг томонга ва пастга ҳаракат қилинг, сўнгра бошланғич ҳолатга қайтинг.

Бу машқни 2 марта такрорланг, сўнг ҳаракат йўналишини ўзгартиринг ва машқни 3 марта такрорланг (4.1-в,д расмлар)




4.2-расм. Яқиндаги нуқтадан узоқдаги нуқтага нигоҳни қаратиш.

а-карта; б-кўз ва карта орасидаги қалам.

Қалам учининг тасвири аниқ, равшан бўлиши керак (10-б расм)

Машқни 5 марта такрорланг.

Эсингизда бўлсин:

Машқни бажараётганингизда шошилманг, гавдангизни бўш қўйинг, бўшашган мушакларингиз ҳолатини кузатинг;

Фокуснинг ҳар бир нуқтага аста-секин ўтишини кузатинг, нигоҳингиз бир нуқтада 2 марта нафас олиб, нафас чиқариш давомида бўлсин, шундан кейингина бошқа нуқтага қаранг;

Қалам ёки карта 2та бўлиб кўринмаса, кўзингиз етарлича катта очилганлигига, карта кўзларингиз қаршисида жойлашганига ва қалам тўғрингизда эканлигига еътибор беринг;

Агар иккига бўлинган тасвир кўзингизга кўринмаса ёки у аста-секин йўқолиб борса, у ҳолда кўзларингизни юминг ва чуқур нафас олиб, нафас чиқаринг;

Сўнгра кўзингизни катта очиб, тез-тез ва ортиқча зўриқишсиз киприк қоқинг, равон ва чуқур нафас олинг; Агарда қалам ёки карта кўзингизга 2та бўлиб кўринмаса, демак.тасвирнинг 2га бўлиниши онгингиз томонидан блокировка қилинади ёки бир кўзингиз иккинчисига нисбатан яхши кўради, у ҳолда ўзингизга овоз чиқариб вербал буйруқлар беринг. Масалан, “онгим, икки кўзимдан бир хилда фойдалан”, ёки “сен ҳозир 2та қаламни кўряпсан” ва ҳ.к. (буйруқларни ўзингиз ўйлаб топинг); аввал нигоҳни бир йўналишга қаратиш табиийроқ ва оддийроқ кўчаётгандай туюлиши мумкин, вақт ўтиши билан кўзнинг имкониятлари ортиб боради ва нигоҳни бошқа томонга қаратиш ҳам худди шундай табиий ва қулай бўлиб қолади;

Нигоҳни иккала йўналишда қаратиш оддий ва табиий ўтайотганини ҳис қилганингиздан сўнг бурун ва қалам орасидаги масофани 7,5-12,5 смгача аста-секин камайтириб боринг. Нигоҳингиз бир нуқтадан иккинчисига енгил кўчиши кераклиги йодингиздан кўтарилмасин.

Энса қисмларини уқалаш

Мақсад-энса қисмларининг акупрессур нуқталарини яхшилаш ва бўйин мушакларининг таранглашувини йўқотиш.

Бу машқ ўтирган ҳолда 40 сония давомида (ҳар бир томонга) бажарилади.

Акупрессур нуқталар – кучли сезувчанликка ега қисмлардир. Енса акупрессур нуқталари умуртқа поғонасининг иккала томони ва бош суякнинг пастки қисмида жойлашган бўйин орқа томони мушаклари кесишган жойда жойлашган (4.3-а расм)

Нафас ола туриб икки бармоғингиз учлари билан оҳиста акупрессур нуқталарни босинг.Босимни камайтирмай, 10 сония давомида ўнг ва чап томонга айлана бўйлаб аста-секин ҳаракат қилинг (4.3-б расм) Босимни камайтиринг, нафас чиқаринг.




4.3.Расм

Еслатма: машқни бажариш вақтида кўзларингиз катта очилган бўлиши керак.

Палминг.

Мақсад- кўзлардаги чарсжоқ ва зоръриқишни йўқотиш, мияга дам бериш, куч тиклаш.

Бу машқни ўтириб бажариш керак.5-10 сония давомида кафталарингизни тез-тез ишқаланг, илиқ кафтларингизни йумуқ кўзларингиз устига қўйинг.Равон, еркин нафас олинг.

Машқ 20-30 сония давомида бажарилади.

Йелкаларни қисиш.

Чуқур нафас олинг ва йелкаларингизни иложи борича йуқорироқ кўтаринг: ҳолатни ўзгартирмай, 5гача cананг. Тез нафас чиқаринг ва шу вақтнинг ўзида йелкаларингизни ҳам тез тушириng.Машқни 4 марта такрорланг.

Еслатма: машқни жуда секин бажаринг, маълум вақт ўтгач, мушакларингиз, еластиклиги ошайотганини ҳис ега бошлайсиз.

Чакка ва кўзолди бўшлиғини уқалаш. Ўтириб ёки туриб, 6та машқнинг ҳар бирини 8 мартадан такрорлайсиз( 60-75 сония давом етади.)

Бурун текшикларидан 2 енлик масофада жойлашиб, кўз қорачиқлари бўйлаб вертикал чизиқда жойлашган акупрессур нуқталар устига кўрсаткич бармоқларингиз учини қўйинг ва 1 сония давомида қаттиқ босиб туринг, сўнг 1 сонияга таъсирни камайтиринг (қаттиқ босиш деганига оғриқ пайдо бўлиши кўзда тутилади, бармоқни олганда оғриқ шу заҳотийоқ тўхтайди)

Нуқталарни босайотганда нафас олинг, бармоқларингизни олганда-нафас чиқаринг (4.4-а расм)

Кўрсаткич бармоқларингизни букиб, уларни йон томони билан икки кўзингиз орасига қўйинг (кўз олмаларини зинҳор боса кўрманг!)




4.4.Расм

Қаттиқ босинг ва бармоқларингиз билан кўзнинг йуқори қисмининг ички томони бўйлаб бурундан чаккаларингизга қарата ҳаракат қилинг.

Бармоқлар билан босиб турганингизда нафас олинг, босишни тўхтаганингизда нафас чиқаринг (4.4.-б расм).

Кўзлар учун машқларни бажарайотганингизда улар йумуқ бўлиши керак.

Кембриж институти томонидан тавсия етилган машқлар комплекси кўзларингизнинг кўриш имкониятларини компьютер билан узоқ вақт ишлаш учун зарур бўлган даражагача кўтаришга ёрдам беради.

Барча машқларни бажариш учун вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.Машқларни тўлиқ ҳар куни ёки босқичма-босқич, кунига 2-3тадан 3-4 кун давомида бажаринг.

Машқларни бемалол, ортиқча зўриқишсиз бажариш учун ўзингизга истаган қулай частота ва давом етиш вақтини танлаб олинг.

Шундан кейин бу машқларни ҳафтасига 2-3 маротаба такрорлаб туринг.

Машқларни бажариш вақтида гавдангизни тўғри тутишни ҳамда бир маромда енгил нафас олишни унутманг, кўзларингизни тез-тез пириллатиб туринг, барча тана аъзоларингизни бўш қўйинг, ҳаракатларингиз майин, оҳиста бўлиши ва танангизга ақлий фаолиятдан дам олишга ёрдам бериши керак.

## 4.2. Фавқулодда ҳолатларда аҳолини ҳимоялаш принциплари ва усуллари

Фавқулодда ҳолатларда ҳимояланишнинг дастлабки асоси унинг келиб чиқиш сабаби, шароити ва механизмини билишдан иборатдир. Фавқулодда ҳолатлар вақтида содир бўлиши мумкин бўлган жараёнлар мохиятини билган ҳолда, уларнинг оқибатларини олдиндан аниқлаш мумкин.

Фавқулодда ҳолатлар содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларни, яъни, уларни қандай кечишини ва оқибатларини ўз вақтида ва аниқ олдиндан аниқлаш, улардан ҳимояланишнинг энг муҳим асоси ҳисобланади.

Фавқулодда ҳолатлар асосан қуйидаги вазиятларда рўй бериши мумкин:

-гравитация таъсирида, ер айланиши ёки ҳарорат фарқи таъсирида тез юзага келувчи табиий жараёнлар;

-моддий бойликларни ва конструкцияларнинг занглаши, физик ва химиявий хусусиятларини ўзгариши ва бино ҳамда иншоотларнинг емирилишига олиб келувчи ташқи табиий омиллар;

-иншоотларнинг лойиҳалаш ва қуриш вақтидаги камчилик ҳамда нуксонлари (қидирув ва лойиҳалашдаги камчиликлар). Қурилиш материаллари ва конструкциялар сифатининг пастлиги, уларни бажариш сифатининг пастлиги, хавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши ва бошқалар);

-бино ва иншоотларнинг конструкцияларига ва материалларига саноат ишлаб чиқариши технологик жараёнларининг таъсири (рухсат этилган миқдордан ортиқ кучланиш, юқори ҳарорат, титраш; оксидловчи буғ-газ ва суюқ агрессив муҳит, минерал ёғ, эмульсия ва дисперсиялар);

-бино ва иншоотлардан фойдаланиш қоидасини бузилиши ва натижада буғ қозонларини, химиявий моддаларни, шахталардаги кўмир чанглари ва метан, ёғочга ишлов берувчи корхоналардаги ёғоч чанглари, дон элеваторларидаги дон чанглари ва бошқа шу кабиларни портлаши;

-ҳар хил кўринишдаги ҳарбий ҳаракатлар.

Аҳолини фавқулодда ҳолатлар вақтида ҳимоя қилиш уларнинг салбий оқибатларга олиб келиш хавфини олдини олиш ёки таъсир даражасини максимал камайтиришга қаратилган комплекс тадбирлар мажмуидир.

Аҳолини фавқулодда ҳолатлардан ҳимоялаш самарасига фавқулодда ҳолатларда хавфсизлигини таминлаш принципларини тўлиқ ҳисобга олиш ва унинг барча воситалари ҳамда усулларидан унумли фойдаланилгандагина эришилади.

Хавфсизликни таминлаш принциплари уларни амалга ошириш белгиларига кўра 3 гуруҳга бўлинади;

1.*Олдиндан белгиланган тайёргарлик ишлари*. Бунга фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омилларидан ҳимояланишга қаратилган шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларини гамлаш ва уларни аҳоли фойдаланиши учун тайёр ҳолатда сақлаш. Ҳамда хавфли зоналардан аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширишга тайёргарлик кўриш каби тадбирлар киради.

2.*Диффиренциал ёндошиш*. Фавқулодда ҳолатларнинг маҳаллий манбаларини ҳисобга олган ҳолда ҳимоя тадбирларининг характери ва ҳажми белгиланади.

3.*Комплекс тадбирлар*. Фавқулодда ҳолатлардан ҳимояланишнинг барча воситалари ва усулларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда замонавий техносоциал муҳитдаги ҳаёт фаолиятни таъминлайдиган бошқа барча тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади.

Фавқулодда ҳолатлардан ҳимоя қилишнинг усулларига эса аҳолини эвакуация қилиш, ҳимоя иншоотларига яшириниш, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва тиббий профилактик воситалар киради.

Аҳолини ҳимоя иншоотларига яшириш замонавий қирғин қуроллари ишлатиш билан кечадиган ҳарбий-сиёсий можаролар ва радиоактив ҳамда химиявий моддалар ажралиши билан кечадиган фавқулодда ҳолатлар вақтида ишончли ҳимоя усули ҳисобланади.

Ҳимоя иншоотлари аҳолини физикавий, химиявий ва биологик хавфли ва зарарли омиллардан ҳимоя қилишга қаратилган муҳандислик иншооти ҳисобланади. Бундай иншоотлар ўзининг ҳимоялаш хусусиятига кўра пана жойлар(“убежица”) ва радиацияга қарши яширин жойларига бўлинади. Улар СН ва П 2.01.51-90 қурилиш нормалари ва қоидаларига биноан қурилади.

Шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) ички аъзоларга, терига ва кийимларга радиактив ва заҳарловчи моддалар ҳамда бактериялар тушмаслигидан ҳимояланиш мақсадида ишлатилади.

Шахсий ҳимояланиш тиббий воситаларидан фавқулодда ҳолатлар вақтида аҳолига профилатикава тиббий ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилади. Улар ёрдамида инсон ҳаётини сақлаб қолиш, инсонларни зарарланиш даражаси кучайишини олдини олиш, айрим хавфли ва зарарли омиллар таъсирига инсонлар организми чидамлилигини ошириш ишларини бажариши мумкин. Бундай воситаларга радиопротекторлар (масалан, цистамен-ионли нурлар таъсирини сусайтиради), антиядлар (заҳарли моддалар таъсирини чеклайди ёки сусайтиради), бактерияларга қарши воситалар (антибиотиклар, антерферонлар, вакциналар, анатоксинлар ва шу кабилар) ҳамда қисман санитар ишлов бериш воситалари кирадии.

Юқоридаги тадбирлардан ташқари фавқулодда ҳолатлар вақтида аҳоли ҳаёт фаолиятини таминлашда қуйидаги тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ҳам муҳим роль ўйнайди, жумладан: аҳолини фавқулодда ҳолатлар вақтидаги ҳаракат қоидалари бўйича ўқитиш; фавқулодда ҳолатлар хавфи тўғрисида ўз вақтида хабар беришни ташкиллаштириш; радиацион, химиявий ва биологик разведкани ҳамда дозиметрик ва лабароториявий (химиявий) текшириш ишларини ташкил этиш; ёнғинга ва эпидемияга қарши профилактик ҳамда санитар-гигиеник тадбирларни амалга ошириш; аҳолини қутқаришда ва бошқа муҳим ишларни амалга оширишда зарур бўладиган моддий воситалар заҳирасини ташкил этиш.

# ХУЛОСА

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларни барча йўналишларда қўлланилиши, давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, мадофаа соҳалари тубдан ўзгаришга олиб келмоқда. Шу жумладан таълим соҳасида ҳам АКТни қўлланилиши янги интерактив усулларини вужудга келтирди.

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари таълим соҳасида иқтисодий фанларни ўқитиш, иқтисодий таълим-тарбия, ўзлаштирилган иқтисодий билимлар даражасини замонавий педагогик технологияларга суянган ҳолда ташкил қилиш, баҳолаш, иқтисодий фанлар бўйича янги ўқув дастурларини яратиш муҳим муаммолардан биридир. Шу ўринда айтиш керакки, иқтисодий тарбия тизимини ишлаб чиқишда узлуксизлик, яхлитлик ва боғлиқликни таъминловчи «босқичли таълим» концепцияси тавсия этилди. Концепция негизида мактабгача таълим соҳасида ўзлаштирилган элементар иқтисодий таълим-тарбиядан то иқтисодий маданиятлилик даражасигача бўлган жараён қамраб олинади. Бу жараён тарбияланувчиларга иқтисодий тайёргарлик, иқтисодий тафаккур, фикрга эгалик, иқтисодий онг ва иқтисодий маданиятлилик каби сифатларни етказишни талаб қилади.

Таълим тизимида АКТни янада такомиллаштириш, таълимни жаҳона миқиёсида биринчилар қаторида бўлиш долзарб масалалардан биридир. Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида яна шу масаланинг долзарблиги ҳақида этиб ўтилган.

Биринчи бобда, иқтисодий фанларни ўқитишдаги замонавий технологиялар, АКТнинг таълим тизимидаги роли батавсил ўрганиб чиқилди.

Иккинчи бобда Олий таълим тизимида АКТнинг қўлланилиши,

Ўзбекистон Республикадаги барча таълим муассасалари АКТ билан таъминланганлик ҳолати таҳлили, шунингдек иқтисодий фанларни ўқитишда АКТни самарадорлиги ҳисобланган.

Учинчи бобда АКТни таълим тизимида тадбиқ этишнинг муаммолари ва иқтисодий фанларни ўқитишда уни янада такомиллаштириш йўллари келтирилган.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим комплексини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика миқёсидаги барча Олий таълим масканлари (ОТМ) компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган. Уларнинг барчаси Интернет тармоғига уланганлар. Ушбу технологияларни таълим тизимига кенг жорий этиш ОТМлари олдига қўйилган кўп муаммоларни ўз пайтида хал этишга ёрдам беради.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент; “Шарқ”, 1997
2. Президентнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-4475- сонли қарори. ccitt.uz сайти.
4. Каримов И.А. 2012 йилда мамалакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари хамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси. http://www.press-service.uz.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустсқилликка эришиш остонасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011
7. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари сохаси менежментимасалалари. Тошкент: Фан ва технология, 2005

8. А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Тошкент: 2008

9. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Вўсшая школа. 2003

10. Ёрматов Ғ.Ё., Исамухамедов Ё.У. Меҳнатни мухофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистан нашриёти. Тошкент: 2002

11. Захарова, И. Г. Информационнўе технологии в образовании [Текст] : учеб. пособие / И. Г. Захарова. - 2-е изд., стереотип. - М. : Academia, 2005

12. Ишмухамедов, Р. Таълимда инновацион технологиялар [Text] : таълим муассалари педагог-ўкитувчилари учун амалий тавсиялар / Р. Ишмухамедов, А. Абдукодиров, А. Пардаев. - Т. : Истеъдод, 2008

13. Козўрев, А. А. Информационнўе технологии в экономике и управлении [Текст] : учебник / А. А. Козўрев. - 2-е изд. - СПб : Изд-во Михайлова В.А., 2002.

14. Kaufmanns D., Sweet R. Possibility accurse d'enseignement pour les adultes: Un exemple canadien // Higher education in Europe. Bucarest,. Vol. 8, № 3. P. 15-26. 2003

15. Мухитдинов Х.А. Ўзбекистонда ахборот - коммуникация технологиялари ҳолати ва истиқболи. Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент, 2009

16. Rumble G. Higher education in Europe. Enseignement superior en Europe. Vol. 8, №. 3. P. 5-14. 2003

17. Rumble G. Université s pour l'enseignement á distance en Europe // Higher education in Europe қ Enseignement superior en Europe. 1983. Vol. 8, № 3. P. 5-14

18. The world report. Comparison of world statistics by training in spheres of education, UNESCO, Montreal, 2006

19. Ястребов Г.С. Безопасность жизнедеятельности и медицина катастроф, Издательство: Феникс, 2005

20. Open and distance learning: trends, policy and strategy considerations. UNESCO. 2007

21. www.gov.uz

22. www.tuit.uz

23. www.aci.uz

24. www.google.uz

25. www.ziyonet.net

26. www.istedod.uz

27. www.iInfocom.uz

28. http://www.asotvo.ruҳаёт фаолияти хавфсизлиги

29. http://cityref.ruҳаёт фаолияти хавфсизлиги

30. http://edu.uz масофавий ўқитиш дидактикаси бўйича материаллар